

Қадр пулга чақилмайди

3-бет

Ishonch

2008-yil
30-oktabr
№133
(2546)
payshanba

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ракурс

Қалблардаги энг қайноқ туйғу

Дунёда бир туйғу борки, уни сийму зарга алмаштириб, дунёвий тушунчаларга тенглаштириб бўлмайди. Қалбларни куйдиргувчи бу туйғуни фақат ҳис этиш мумкин, холос. У шунчалар муқаддаски, инсонга жон қадар, балки ундан-да азиз.

Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида (1917 йил) унга энг инсоний, энг муътабар туйғулардан бири сифатида таъриф берилган. Шу билан бирга уни шунчаки севиш мумкин эмаслиги, унинг дарди билан яшамок, бахтидан қувонмоқ ҳар бир фарзанднинг бурчи эканлиги уқтирилади.

Ҳа, азизлар, англаганингиздек, бу ватан туйғуси. У инсонга қон томири қадар яқин бир ҳиссиёт. Бу туйғу замирида ота-онага, миллатимизга бўлган чексиз меҳру муҳаббат ётади.

Ватан онамиз каби азиз. Унга фарзанд бўлмоқ ҳам шараф, ҳам масъулият. Аммо фарзандлар ҳам бир онадан тугилганларига қарамай, ҳар хил бўлади. Ота-онанинг бахтига шерик бўлиб, бахтсизлигида ёлғиз ташлаб кетувчи фарзандлар-да топилади. Ватаннинг ҳам фусункор табиитини, боғроғларини хуш кўрадиган, лекин ташвишини ўйламайдиган фарзандлари йўқ эмас.

«Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби араблар Арабистонини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимўслар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музли ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл» демишлар» (Абдулла Авлоний).

Муаллиф фикрини яна хилма-хил мисоллар билан асослайди. Бирига кўра, айрим кишилар ҳовли-жойларини, молмулкларини сотиб, Маккага зиёратга боришади. Ҳатто шуларнинг аксари шундай қутлуғ маскандан яна ўз ватанларига қайтиб келадилар. «Бунинг сабаби, яъни буларни тортув кетурғон қувват ўз ватанлари тупроқларининг тафти, меҳру муҳаббатидур...» дейди адиб.

Жамшид НИЁЗОВ



Олтин кўз инъоми

Ш.ШАРОПОВ олган сурат

Анонс




Отбоқар

4-БЕТ



Изтироб чизгилари

5-БЕТ



Мени сеҳрлаган битиклар

11-БЕТ

Фаолиятимизнинг асосий мезони

Истиклол йилларида инсон омили юқори поғонага кўтарилиб, халқимиз дунёқараши тубдан ўзгарди. Ўтган давр мобайнида жамиятимизни ривожлантириш, фуқароларга фаровон турмуш шароитини яратиш юзасидан қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиндики, эндиликда уларнинг ижросини таъминлаш барчамизга улкан масъулият юкламоқда.

Албатта, бунинг учун биринчи навбатда аъзоларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш талаб этилади. Тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан фаоллар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ҳуқуқий билимларини мустақамлашга катта аҳамият берилган. Шуни қайд этиш керакки, кўпчилик аъзоларнинг ҳуқуқий билимлари ҳали ҳам ўртача даражада қолган. 2007 йил давомида 27 та ёзма, 61 та оғзаки мурожаат қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 15 та ёзма, 33 та оғзаки мурожаат қонуний тартибда ўрганилиб, ҳал этилди.

Ушбу мурожаатлар ва ўтказилган таҳлиллар жойларда қонунбузарликлар содир қилинаётганини кўрсатмоқда. Бу масала кенгаш раёсатида кўриб чиқилиб, камчиликлар

ни бартараф қилиш, меҳнат қонунчилиги юзасидан назоратни кучайтириш, аъзоларнинг, фаолларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустақамлашга қаратилган тадбирлар кўламини янада кенгайтириш белгиланди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, улардаги хужжатлар юритилиши, фаолиятнинг талаб даражасида бўлишини таъминлаш, бу борада бошланғич ташкилотларда амалий-услубий ёрдам бериш самарадорлигини ошириш, фаолларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Кенгаш томонидан доимий ҳаракатдаги беш кунлик ўқув-семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди. Ўқув-семинарларда «Меҳнат қонунчилиги устидан назорат олиб боришда касаба уюшмалари роли» мавзусига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда барча мактаб директорлари, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва касаба уюшма кўмити раисларидан иборат 800 дан ортиқ аъзолар иштирокида «Таълим-тарбия соҳаси ходимларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ўрни» мавзусида ўтказилган ўқув-семинар иштирокчиларда

катта таассурот қолдирибгина қолмай, ҳуқуқий билимларини оширишда, касаба уюшмалари хусусидаги тасаввурларини кенгайтиришда катта аҳамият касб этди.


Семинарда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси М. Раҳимова, кенгаш аппаратининг масъул ходимлари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудир О. Отажонов, Урганч шаҳар меҳнат бўлими ҳуқуқшуноси Х. Ситчановларнинг маърузалари мароқ билан тингиланди.

Иштирокчилар меҳнат шартномалари тузиш, уларни бекор қилиш, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда рибо қилинадиган тартиб-қоидалар, ички меҳнат тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва тўғри татбиқ этиш юзасидан кўплаб саволларига жавоб олдилар.

Семинарда, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси асосларини таъминлаш, касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун асосида касаба уюшма органлари мавқеини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажарилиши устидан назоратни кучайтириш вазифаларига эътибор қаратилди.

Х. НУРУЛЛАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Хоразм
вилоят Кенгаши
ҳуқуқшуноси

Касаба уюшмалари нодавлат секторида



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши хўжалик ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш олиб бориб, жамоа шартномалари ва келишувларининг таъсирчанлигини оширишга эришмоқда. Бу хужжат ижтимоий муҳофазанинг энг муҳим омили сифатида мазмунан бойиб, тобора такомиллашмоқда.

Соҳа тараққиёти учун

Кенгаш тасарруфидаги 53 та бошланғич ташкилот 3897 нафар аъзони ўз атрофига бирлаштирган. «Қаршиёғэкстракция» кўшма корхонасида иш берувчи билан ҳамкорликда ходимларни рағбатлантириш, уларни эъзозлаш, касаба уюшмасининг меҳнат жамоасидаги нуфузини ошириш мақсадида муайян ишлар қилинди. Хусусан, ўтган йил мобайнида ижтимоий ҳимоя йўлида 18 миллион сўм сарфланиб, ходимлар учун қулай ва хавфсиз иш шароитлари яратилди.

Ўзининг сифатли маҳсулотлари билан вилоят иқтисодий-иқтисодий ҳимоя қилишда жамоа шартномаси — асосий воқеа», «Ҳуқуқий саводхонлик — давр талаби», «Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларни биласизми?», «Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг асосий тамойили» каби мавзуларда ўқув-семинарлар мунтазам уюштирилмоқда.

Вилоят марказида икки йилдан бери «Аҳолини иш билан таъминлаш маркази» фаолият кўрсатаётганлиги ва касаначилик ҳаракатига кенг йўл очилганлиги туфайли 5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Буларнинг барчаси иқтисодиёт тараққиёти учун хизмат қилади.

Тўйчи ЖУМАНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
Қарши шаҳар кенгаши раиси

КУЗГИ БАЙРАМ ШУКУҲИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги қарори асосида Тошкент шаҳри ва вилоятларда ҳар йили Меҳржон кузги ҳосил байрамини бир ой мобайнида ўтказиш анъанага айланмоқда.

Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган сайил ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Байрам сенатор, Собир Раҳимов тумани ҳокими Б.Ҳакимовнинг табрик сўзлари билан очилди. Шундан сўнг Бободехқон, Ҳосилой ва Меҳржонлар билан бирга санъаткор, дорбоз, аскиячи ва циркчилар ўз чиқишлари билан сайилгоҳга йиғилганларни хушнуд этишди.

— Меҳржоннинг тарихи ҳақида узоқ гапириш мумкин, — дейди этнограф Билал Аминов. — Наврўз билан тенг бу байрам турғунлик йилларида бутунлай йўқолиб кетганди. Шукурки, уч йилдан буён яна ўтказилапти. Уни тиклашга оз бўлса ҳам меҳнатимизнинг синганидан хурсандман.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бу йилги байрам, айниқса, болаларга чексиз қувонч улашди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Добусия синоатлари

Тарихи асрларга туташ Добусия қалъаси сиру синоатга бой. ЎзФА Археология институти ва Буюк ипак йўлини ўрганиш халқаро илмий маркази олимлари бу ерда қазилма ишларини олиб боришмоқда. Маданий қатламларни аниқлаб, шаҳарга қайси даврда асос солинганлигини ўрганишда ўзбек олимлари билан япон, француз, италян ҳамда швейцариялик тадқиқотчилар ҳамкорлик қилишяпти. Қазилмалар маҳсули ўлароқ кўҳна дафинадан 2300 йиллик археологик топилмалар, мис тангалар, кўза, тандинир-ўчоқлар шунингдек, безак берилган маҳсул тамғаланган фишт, X асрга оид тангалар топилган.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сиҳатгоҳ 20 ёшда

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашига қарашли Тошкентдаги санаторий-профилакторий ишга тушганига роппа-роса 20 йил бўлди.

Темирйўлчиларни ишдан ажралмаган ҳолда соғломлаштириш мақсадида бунёд этилган сиҳатгоҳ ўтган давр мобайнида ҳар томонлама кенгайди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан йўлланма билан келувчилар учун ҳам бу ерда барча қулайликлар мўҳайё қилинган.

Юрак, асаб тизими, ошқозон-ичак, нафас олиш аъзолари, бўгин ва умумий касалликлар муолажалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, беморларга стоматологик хизмат ҳам кўрсатилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Нуристонда янги турар-жойлар

Қашқадарёнинг энергетиклар шаҳарчаси — Нуристон йил сайин ободонлашиб, кўркам бўлиб бормоқда.

Баҳаво маскандаги кўп қаватли турар-жойлар қаторига қирқ хонадонга мўлжалланган янги уй қўшилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 350 миллион сўмни ташкил этадиган ушбу иншоотни Шўртан газ-кимё мажмуаси буюртмасига асосан «Қарши қурувчи таъмир сервис» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари барпо этдилар.

Ҳар томонлама қулайликка эга бўлган шинам турар-жойлар мамлакатимиз нефт-газ ва энергетика мустақиллигини таъминлаётган оилаларга тақдим этилади.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ томонларда

ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТЛАР

Жиззахда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган яна бир корхона — «Золотая антилопа» фирмаси иш бошлади. Корхона бир кеча-кундузда 10 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Тайёрланаётган шарбат, мурabbo, консервалар харидорларга манзур бўлмоқда.

Ҳозиргача Россия, Қозоғистон, Украина давлатлари савдо ташкилотлари билан шартномалар имзоланди. Йигирмадан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

БОЛАЖОНЛАРГА МЕҲР УЛАШИЛДИ

«Ватанини севмоқ иймондандир» деб номланган тадбир «Болалар» жамғармаси Жиззах шаҳар бўлими томонидан ташкил этилди. Бир пиёла чой устида ўтказилган хайрия тадбирида 210 нафар етим, кам таъминланган оила фарзандлари қатнашдилар. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИ — СТИПЕНДИЯ СОҲИБИ

Республика Халқ таълими вазирлиги таъсис этган «Халқ таълими ҳомийси» кўкрак нишони соҳибни Ҳайдар Абдурахмонов Мирзачўл туманидаги «Пахтазор» сувдан фойдаланувчилар уюшмасига раислик қилади. Хўжалик ҳудудида жойлашган 9-умумтаълим мактаби уюшма оталигида. Мактаб биноси ҳомийлар кўмагида тўлиқ таъмирланди. Мактабнинг ўн беш нафар аълочи ўқувчисига стипендия жорий этилди.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНМОҚДА

Қатагонга учраган ватандошларимиз номларини аниқлаш, тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида Бахмал туман халқ ижодиёти ва тарихи музейи ходимлари ибратли ишга кўл урдилар.

«Новза» кишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда коллективлаштириш (1928-1933 йиллар) даврида Эргаш Қодиоров, Тўйчибой Қорабоев сингари ўндан зиёд ноҳақ сургун қилинган ҳамқишлоқлар номини тикладилар.

Бундай изланиш тумандаги ҳар бир кишлоқ фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорликда давом этади.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Газетамизнинг 9 октябр сонида «Одамнинг нархи қанча?!» мақоласи чоп этилган эди. Шундан сўнг тахририятимизга шу мавзуда кўплаб хатлар кела бошлади.

Куйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

«Ishonch» газетасида чоп этилган «Одамнинг нархи қанча?!» номли мақола менга жуда таъсир қилди. Пул хирсига тушган, бориға қаноат қилиб ўрганмаган нобакор кимсаларнинг инсонлар қадр-қиммати билан неча пуллик ишлари бор, ахир!

Қадр пулга чақилмасин

Одам савдоси ҳам турли кўринишларда бўларкан. Ҳеч кимга раво кўрмайману, аммо ушбу мақолани ўқигандан буён яқинда бошимиздан кечирган воқеа ҳеч кўз олдимдан кетмай қолди. Шу йил май ойининг охирида кичик ўғлимиз Санъатжон 9-синфни тугатгач, ўқиш сарф-харажатлари учун бироз пул ишлаб олиш ҳаракатига тушиб қолди. Тошкентдаги бозорлардан бирига яқин манзилда қайнонамиз оила аъзолари билан бирга кичикроқ яхна ичимликлар ишлаб чиқариш цехини юргизиш келишарди. Улар билан кўнғироқлашиб, цехда ишлаш учун бир ойга жўнатишга қарор қилдик.

Ўғлимизни Самарқанддан шахсий «Мерс» автобусига ўтказиб, манзилга етгач, бориб тушиши билан ён телефонида бизга кўнғироқ қилишини тайинлагандик. Негадир уч кун ўтибди ҳамки бирор хабар бўлмади. Хавотирланиб, аммаси билан боғлангандик, ҳалиям уларниқига бормаганини билиб, баттар ваҳимага тушдик. Нима қилишни, қаерга бош уришни билмаймиз. Тасаввур қилиб кўринг, энди. Упиб, ардоқлаб катта қилган дилбандингиз номаълум жойда, бирор хабарсиз юрса, қандай қилиб тинчий оласиз?..

Изламаган, суриштирмаган жойимиз қолмади. Яна беш кунни туз татимай, уйқусизликдан қарахт ҳолда, аламзада ўтказдик. Олтинчи кунни тунги соат 23.30 лар чамасида қўлимдаги «сотка» жиринглаб қолди: «Аяжон... аяжон!..». Бу ўғлимнинг овози эди. «Жон болам, Санъатжон! Қаердасан? Нега хабар қилмайсан? Айт, қаерга етиб борайлик?». Афтидан ўғлим кимларнингдир қуршовида эканлигини кўнглим сеза бошлаганди. У бошқа гапирмади. Ле-

кин бир Тошкент кодидаги қўл телефони рақамини икки бора такрорлаб, менга ёздирди: «Зўрга топдим, шу одам билан гаплашинглар», деди-ю, алоқани бирдан ўчирди. «Майли, жонинг омон экан, жон болам, қанча ситам бўлса, чидайман», дейман шашқатор кўз ёшларим билан.

Турмуш ўртоғимнинг бу ғам азобида қон босими кўтарилиб кетиб, ўзини билмасдан хушсиз ётиб қолди. Барча қариндошлар ҳовлимизда жамланишганди. Уша ўғлим ёздирган рақамга кўп кўнғироқ қилдик. Эрталаб чошгоҳларда бир кўпол ва дўриллоқ овоз менинг кўнғироғимга жавоб қайтарди. Мен бўлсам зор йиғлаб ялинишни бошладим: «Жон тоғажон, дардингизни олай, кўзимнинг оку қораси Санъатжон сизнинг кўлингизда экан. Бизнинг ундан бошқа бойлигимиз йўқ. Учма-уч кун кўриб турибмиз. Раҳмингиз келсин!.. Уни қўйиб юборинг...» Дўриллоқ овоз соҳиби бир томоқ қириб, алоқани ўчирди. Кейин яна номерни тердик. Биримиз қўйиб, биримиз ялинардик. Охири, «бўпти!» деган мойилликдан кейин ҳеч ким бу телефондан жавоб ололмади.

Орадан икки кун ўтгандан сўнг эса ранглари оқарган, юз ва баданлари таёқдан қаварган дилбандим мажолсиз ҳолда уйимизга кириб келди. Унинг айтишича, кимдир, худо кўнглига раҳм солиб, унга ўша одамфурушнинг телефон рақамини топиб берган экан. У билан бирга ушлаб кетилган бошқа болалар ё сотиб юборилар экан бўлмаса, катта пул эвзига оиласига қайтарилар экан. Ё тангрим, қайси замонда яшаймиз ўзи, дея оғринардик. Мана, қабул қилинган қонунлар энди бу кўнғилсизликларга барҳам берапти.

С.ҲОТАМОВА,
Ургут тумани

Ислоҳ КАРИМОВ:

«...Биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришишимиз учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда воқеаларнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгилашни заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги бугун нечоғлик долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас».

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон фуқаролари мамлакат ташқарисида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам кафолатланган.

Ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида, маълумки, меҳнат ресурсларининг дунё бўйлаб муайян оқими, яъни миграцияси юзага келади. Бошқача айтганда, меҳнат қилиш эҳтиёжларининг рўёбга чиқарилиши меҳнат миграцияси жараёнларини юзага келтиради. Бу жараён айна пайтда улкан миқёс касб этмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 100 дан ортиқ мамлакатдан 20 миллиондан зиёд аҳоли халқаро меҳнат миграцияси жараёни иштирокчисига айланади.

Ўз-ўзидан англашиладики, хорижда меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширишга қара-

Муаммо ва ечимлар

тилган ҳуқуқий тизимларнинг мавжудлиги ҳамда мукамаллиги инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ишончли воситаларидир. Бу мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисидаги низоми» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми» билан ҳам тартибга солинади.

Аммо ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий жиҳатдан талаб даражасида мукамал эмаслиги туфайли фуқароларнинг хорижга бориб ишлашлари жараёнида му-


айян мураккабликлар юзага келаётганлиги, бунинг натижасида давлат маълум хорижий валютадаги тушумлардан маҳрум бўла-

Меҳнат бозори

ётганлиги, нолегал (норасмий) меҳнат миграцияси кўрсаткичи анча юқориликча қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Энг муҳими, нолегал меҳнат миграцияси туфайли чет элларга (асосан Россия Федерацияси ва Қозоғистонга) ишга кетган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларининг кўпол тарзда бузилаётганлиги, баъзан ушбу ҳодиса туфайли одам савдоси юз бераётганлиги ачинар-

Юғурик от ҳам қоқилади дейишади. Одам ҳам адашаркан. Бир нобакорнинг кўтқусига учиб, юртдан айро тушганимни эсласам ҳали ҳам юракларим увушади...

Дугоналаримдан анча кеч турмуш кўрдим. Бахтим очилгандек эди гўё. Аммо фаровон турмушимиз узокка чўзилмади. Турмуш ўртоғимдан барвақт ажралдим. Икки норасида билан бўзлаб қолдик. Кайта турмуш кўрмадим. Икки боламни ок ювиб-ок тарашга интилдим. Болаларимнинг бўйи чўзилиб мен билан тенглашди. Ўғлимни уйлаш, қиз чиқариш фурсатини кутиб бедор яшардим. Ана шу эзгу ният учун кўпроқ пул керак. Марҳум эримнинг нафақаси, ўзимнинг топанганимни амал-тақал қилиб етказардим. Аммо инсонга қанча бўлса кам. Шундай дилхун кўнларнинг бирида бир аёл билан танишиб қолдим.



Иймонсизга ўлжа бўлганман

Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор деганларидек, турмушнинг авра-астарини бир зумда ағдардик-қўйдик. Янги танишим гап орасида ўзга элда мўмай даромад топиш мумкинлигини писанда қилиб ўтди. У мендайларга кўп ёрдам берган экан. Ҳалол меҳнат қилиб пул топишнинг нимаси ёмон дейман ўзимга ўзим. Қуз бошида қарорим қатъийлашиб, болаларни онамга қолдириб танишимни излаб топдим. Бир-икки кунда менга ўхшаб мўмай даромад илинжида бўлганлардан бир қанчаси сардоримиз бошчилигида Қозоғистонга кириб бордик. Раҳнамомиз бизни бир Сарсонбой деганнинг уйига бошлаб борди. Қазӣ қўйилган хамир овқат билан сийлашди. Сўнгра бир далага бошлаб борди. Вазифамиз мана шу даладаги пахта териш бериш экан. Сарсонбой бизга мўмай ҳақ тўлашга ваъда берди. Мамнунмиз. Бизни бошлаб борган аёлдан ўта миннатдор ҳам бўлдик. Эртасига онимимиз бизни қолдириб изига қайтди. Олачадан тикланган кулда ётиб ишлаймиз. Қаллаи сарҳардан шомга пахта терардик. Даладаги сўнги чанокни ҳам териш бўлдикики, Сарсонбой акамиз сира пул чиқарай демасди. Уйни, бола-

ларни соғинганмиз. Сабр-қосамиз тўлиб, уни қийин-қистовга олдик. Ҳомийимиз тунд, сержаҳл бўлиб қолган. Унинг ўзини бундай тутишининг сабабини кейинчалик билдик. Ўша танишимиз бизни сотиб кетган экан. «Ҳар биринг учун унга фалон сўмдан ҳақ тўлаганман. Қани бу ердан кетиб кўринглар-чи» дея турди олди. Лолмиз. Дардингни кимга айтишни билмайсан. Осмон узок, ер қаттиқ. Бизни ишлатган хўжайиннинг феъли бузилган. Ҳатто, овқатдан ҳам қиса бошлади. Аёлмиз, кўлимиздан нима ҳам келарди.

Қарасак, хўжайин ҳеч юмшай демасди. Охири тил бириктириб, бу хонадондан қочдик. Зовурлар, дала-лар оша, оч-наҳор чегарамизга етиб олдик. Ўғри мушукдек кўрингандан беркинамиз. Минг азобда уйга қайтдик. Гапнинг рости пушаймонлик ҳануз юрагимни ўртади. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарози деб бежиз айтишмаган экан. Юртимизда ҳам ўша меҳнатни қилсақ ундан ҳам кўпроқ пул топиш имкони бор эди-ку.

Бу воқеа баъзиларга сабоқ бўлар деган умиддаман.

Норбуви ШАКАРОВА,
Самарқанд вилояти

лаш билан бирга давлат йўли билан ҳимоялаш амалга оширилишидагина эмас, айна пайтда давлатимиз ва жамиятимизнинг иқтисодий манфаатлари ва ҳавфсизлигининг таъмин этилишида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ташқи меҳнат миграциясига оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга ва бошқа ҳужжатларга жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилади.

Фуқароларни хорижга ишга юбориш юзасидан мавжуд давлат бошқарувидан ташқари нодавлат ишга жойлаштириш бюрolari мамлакатимиз ичида ҳам, хорижий мамлакатларга фуқароларни ишга юборилишида ҳам фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий асослар яратилиши лозим.

Й.ТУРСУНОВ,
ТДЮИ «Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи» кафедраси доценти,
юридик фанлар номзоди



Абдулла САИДОВ Нурота тоғ тизмалари орасида туғилиб, вояга етган. Бу сўлим ва хушманзара табиатнинг ҳар бир қаричи унга яхши таниш ва қадрдон. Баланг тоғлар гўзаллиги, ҳуснулатофати унга завқ-шавқ ва илҳом бағишлайди.

Ўғатлик бобоси Саримсоқ полвон ўтган асрнинг қирқинчи йилларига улоқ-кўпқари пойғаларида иштирок этиб, эл ўртасида донғи чиққан чавандозлардан бири бўлган. У Бухорода от чопиб, ҳатто амир Саид Олимхон назарига тушган. Қўшни Қозоғистон ва Тожикистондаги биродарларимиз ҳам уни тўй-ҳашам, тантана ва йиғинлардаги улоқ-кўпқариларга тақлиф қилиб туришган.

Шунинг учун бўлса керак, газетамизнинг фаол муаллифларидан бири А.Саидов кўпдан ҳайвонот дунёси, зийрак ва ақлли жонивор — отлар ҳамда халқимизнинг ифтихори ва миллатимизнинг обрўйи бўлган улоқ-кўпқари пойғалари ҳақида қизиқарли материаллари билан қатнашиб келади. Куйида фаол муаллифимизнинг шу мавзудаги ҳикоясини газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Фанда от илк бор Марказий Осиё кўчманчилари томонидан қўлга ўргатилгани ва у ердан Европа мамлакатларига ўтганлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд. Кейинчалик улар ер юзига тез тарқалган. Вақт ўтиши билан кишилар елдай чопир ва хўжалик юмушларини бажаришга қодир кучли от зотларини кашф этишди. Ҳозирда, айниқса, кишиларнинг от спорти ва улоқ-кўпқари пойғаларига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда.

Саксон ёшни қоралаб қолган Хўжам амаки болалигиданоқ от парвариши билан машғул бўлиб, узоқ йиллар улоқ-кўпқари пойғаларига қатнашган чавандоз полвонларни зотдор аргумоқлар билан таъминлаб келди. Чорва ортидан юриб моллар туёқ сонини кўпайтириш, тоғ йўллари ва довондан ошиш ҳамда арава кўшиб юк ташишда ҳам от унинг қорига яраб келди. Ҳалигача ҳовлисидан отнинг кишнаши эшитилади.

Умри давомида от билан боғлиқ кўплаб воқеаларни бошдан кечирган. Баҳор кунларининг бирида, қирққулоқларга бой яйловда, аргумоғи қўлдан чиқиб тутқич бермай уни кўп уринтиради. Куёш осмонга тик кўтарилганида отбоқар пешонасидан куюлиб келган терни артаркан: «Шуми қилигин? Тириклигим сен билан-ку. Ташлаб кетсанг ўзинг биласан. Сенга ёмонлик раво кўрмасам, оч қолдирмасам...» дейди тутқич. Шунда аргумоғи эгасининг ўпқаланганига узр сўрагандек, унинг елкасига тумшурини қўйганича искалана бошлайди.


...Айни пишиқчилик палласида, энди уйланган кезлари, ота-онаси розилигини олгач, у кўчини вақтинчалик хўжалик боғига олиб келади. Хушқомат келин қишлоқда катта бўлган эмасми, дала шароитига тез кўниқиб кетади. Лекин отбоқар ҳар саҳар дилдорини чайлада ёлғиз қолдириб, аргумоғини етаклаганча яйлов томон ошиқарди. Баъзан аъзоибадани совуқдан жунжиқиб, от

ди. У эс-хушини йиғиб олгач, юганни бўшатиб улловини ўз ихтиёрига қўяди. От жонивор тева-рак-атрофни кўриши шарт эмас, ҳатто шивир сезилса илғайди. Ушанда ерда қалин қор бўлиши-

мин тоғлари томон буради.

У Сайхон орқали тоғ йўлларида бораркан, адоқсиз яйловларни кезиб харсантошлар бағридан сизиб чиқаётган булоқ сувларига боқиб, ташвишларини бироз унутгандай бўлади. Куёш уфққа бош кўйганида, узангидош ўртоғиникига кириб боради. Эртаси куни қишлоқ оқсоқоли мулла Турғун элга кўпқарилди тўй беради. Сайхонликдан отларнинг дупурдупури ва кишнаши ҳамда одамларнинг шовқин-суронлари эшитиларди. Тўдада қамишқулоқ буйрул, жилваларга бой чавқар ва оқёл каби зотдор отлар ҳам бор эди.

Улоқ-кўпқари авжига минганида қаддиқома-



Отбоқар

жабдуғини ёпинганча тонг оттирган пайтлари ҳам бўлган. Отнинг қоринини тўйгазиб, унга эгар босаркан, дилдорининг: «Мендан ҳам отингиз зиёдами?» деган саволига у нима дейишни билмай кулиб қўярди. У яхши от дарагини эшитганида, неча юз қақиримлик масофани босиб бўлса ҳам, уни кўрмагунча кўнгли тинчимасди. Қарийб ўн йил унга ҳамроҳ бўлган самани ва қашқа жийронларини қозоқ биродарлари юртидан келтирган. Айниқса, қашқа жийрон келбати келишган бўлиб, пойғаларда елдай чопар ва томошабинлар завқини оширарди. Бурун катаклари кенг, қулоқлари кичик, бадани доим ялтираб турарди.

Тоғларда қишда ҳаёт жараёни бироз секинлашади. Аёзли кунларнинг бирида, қутилмаганда тева-рак-атроф куюқ туман билан қопланиб, отбоқар йўлда адашиб қолганини ҳеч ёдидан чиқармай-

га қарамай, жийрон ҳовлисини беҳато топиб келганди.

Қамишқулоқ жийрони гавдали бўлганлигидан у супага чиқиб ёки кели қўйиб узангига оёғини қўярди. Манзилга етгач аргумоғи уни кутиб, жойидан жилмай тураверарди. Жар ва тўсиқларга дуч келганида мушакларини таранглаштириб сакраб, ёнидаги отларни доғда қолдириб кетарди.

1958 йилнинг охири эди. Маҳалла фаолларидан бири Хўжам амакига бир парча қоғоз тутқазаркан, бостирмасидаги отини гўшга топшириш кераклигини уқтиради. Нима қилмоқ керак? Отбоқар бир муддат ўйланиб қолади. Кейин ярим тунгача кўнглига ғулғула тушиб, мишжа қоқмай безовталади. Тонг ёришар-ёришар мас хуржунга арпа еми ва керакли уст-бошларини жойлаб, от жилловини Зо-

ти келишган йигит Хўжам амакининг яқинига келиб: «Тўриқни ўйинга солмайми?» дея сўрайди оҳиста ва миниб отнинг яхши совутилганлигига ишонч ҳосил қилади. Яхши от бир миншда билинади. Шу кун чавондоз тўриқ отда бир неча солимни қўлга киритади. Кексалар: «От тоблашдан чопади, милтиқ ўқлашдан», деб бежиз айтишмаган.

Хўжам амаки бегона элда кўпқари пойғалари ортидан юриб, икки ҳафта қолиб кетади. Шундай кунларнинг бирида отига харидор чиқади. У бироз ўйланиб қолади. Розилик беришдан бошқа чораси йўқ эди. Негаки, тўриғи билан қишлоғига қайтса, оти бекорга гўштга сўйилиб, жувонмарг бўлиши турган гап. Қолаверса, отга оғиз солиндими, бериш керак, деб ҳисоблайди у. Ниҳоят отбоқар қўлда юган билан эгар-абзалларини елкасига ортиб йўлга тушаркан,

қутилмаганда нотаниш ҳовлида турган тўриғи депси-ниб, кишнаб юборади.

— Отимни яна бир кўрсам, — дейди у беҳол.

— Энди кўриш йўқ. Бостирмада боғловда бўлади, — дейди ҳовли эгаси унга жавобан.

Шунда отбоқарнинг юракбағри эзилиб, кўзлари жиққа ёшга тўлади. Ҳовлисига етиб келгунча соқол-мўйловлари ҳам хўл бўлиб кетади. Хўноб бўлганидан бир ҳафтача қўли ишга бормай юради.

Вақт ўтиб, отларни рўйхатга олиш ва расмийлаштириш тугагандан сўнг у яна бостирмада от парваришлар, пойга ва улоқ-кўпқариларда қатнаша бошлайди.

Вилоятимизда Хўжам амакини кўпчилик яхши билишади. Дўст ва таниш-билишлари ҳам беҳисоб.

Куз охирида, Хўжам амаки ҳамроҳи билан кенг ва тақир далаларни кун билан кезиб, бир танишининг пешайвонли уйига етиб келади. Тан-дир атрофда куймаланиб юрган аёл отликларни илиқ кутиб олиб, чорпоядан жой кўрсатади ва ҳозиргина узилган бир жуфт ширмой нонни дастурхонга қўяркан:

— Нонни ҳалоллаб енгизлар, — дейди-ю шошиб тан-дир томон йўл олади.

Унинг бу гапи отликларни ҳайрон қолдиради. Елка қисилиб бир-бириларига қарашади. Орадан кўп ўтмай, аёл патнисда чой, канд-курс ва шу каби ширинликларни келтириб:

— Нега нонни ушатмай ўтирибсизлар? — деб сўрайди ва кулиб изоҳ беради.

— Мен вақтим зиқ бўлганидан нон кесакларини ўзларингиз тозаларсизлар, демокчи эдим.

Орадаги жимликдан сўнг яна гапида давом этади.

— Узангидош дўстингиз ҳадемай келиб қолади. Келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан.

Одатда отбоқар йил фаслларининг алмашинувиغا қараб иш тутатади. Ҳар кун танасининг кўтаришига қараб, икки маҳал ем ва бир боғдан беда беришни қанда қилмайди. Қисқаси, отларни мөҳр билан парваришлар ва улоқ-кўпқари пойғаларида бўлиб туриш, Фаллаорол туманининг Қангли қишлоғида истиқомат қилувчи Хўжам ота Эшбўтаев ҳаётининг мазмунига айланган. У ҳали бардам, тиниб-тинчимаслиги билан ёшларга ибрат бўлиб келмоқда.

Ўтган асрнинг 60-йилларида қадар Жиззах вилояти ҳудудидаги деярли барча қишлоқларда от парваришлари, тўй-томоша ва улоқ-кўпқари пойғаларига ҳашамланган эгар-абзаллар билан бо-ришган.

Эгар, узанги, нўхта, юган, кўм, зул, жабдуғ кабилар бир той нарҳига тенг бўлган.

От эгари арча, ёнғоқ, тут каби дарахтлардан ясашиб уч бўлак, яъни қош, қарсон ва қоқмоқдан ташкил топади. Уларнинг ҳар бири майда-майда пайраҳалардан йиғилиб, миҳсиз, чармсиз пайланиб, бир-бирига бириктирилади. Пайланган эгар нафармон тус олади. Кейин чарҳда силлиқланиб ишлов берилади. Буомнинг тайёрланиш жараёни узоқ мuddатга чўзилади, албатта.

Куз ўрталарида Бахмал туманининг Новқа қишлоғида бўлиб ўтган улоқ-кўпқаридан қайтаётган одамлар, дарё кечувида чимкентлик икки отликқа дуч келишади. Улар Уразали устананига бориш йўлини кўрсатиб қўйишни илтимос қилишади.

— Сизларга Новқанинг от эгари керакми? — сўрайди Остон полвон салом-алиқдан сўнг. — Унда устага олдиндан буортма бериш ва бешолти ой қутишларингизга тўғри келади. Яхши эгарни тайёрлаш кўп меҳнат талаб этади.

Шунда отликлар бир мuddат ўйланиб қолишади. Лекин полвон уларнинг раъини сўндирмай уста хонадонига бошлаб боради. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг мўъжаз устахонага киришган меҳмонлар деворларда осилган эгарларни кўриб, ҳанманг бўлиб қолишади.

— Ҳар бирининг ўз эгалари бор, — дейди уста уларнинг мақсадини англагач,

Отангиз тақачи ўтмаганми?

мавзуга яқун ясаган бўлиб.

— Уста билан тегиримончининг ёлғонини Худо кечирар, — дейди полвон муштумига йўталиб. — Меҳмонлар хожатини чиқар. Мен сендан сўрадим.

Уста бир мuddат ўйланиб, Остон полвоннинг гапи-ни икки қилмайди. Кейин отликларни эшиккача кузатиб қўяди. Вилоятда Новқа эгаридан ўтадигани йўқ, унга талаб катта. Ҳатто республикамизнинг турли бурчакларидан бу ерга эгар сўраб келишади.

Биз саксон ёшни қоралаб қолган қанглилик Хўжам ота хонадонидан бўлганимизда, уй тақмонидан уч аср билан юзлашган от эгарининг асраб-авайлаб келинаётганига гувоҳ бўлдик. Сарик мисдан безак бериб ишланган узангиларни кўриб, бейхитёр ҳайратланасиз. Буомлар отаси Эшбўта бободан мерос бўлиб қолган экан. Хўжам ота ҳаёти давомида кўплаб зотдор отларни парваришлар келди. У қирқ йилдири, ўзига ҳамроҳ бўлган аргумоқларни миншда фақат Новқа эгаридан фойдаланиб келаётди. Буомнинг ҳеч бир жойига шикаст етмаган, бус-бутун ва ҳамон ишлатишга яроқли. Шунингдек, фаллаороллик Остон Қаршиев, Хайрулла Аббосов ва Тўйчи Эшмонов хонадонидан қадимги

от-улов абзаллари сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Ота-боболаримиз нўхта ва юганларни асл чармдан тайёрлашган. Сувиғи сарик мисдан бўлиб, йўрға отни усиз миниш мумкин. Қадимдан от нўхтаси, юган ва узангиларнинг тўғиз-кўзмунчоқ ва кумушдан ясалган балиқбоши, илонбоши каби тақинчоқлар билан безалишига катта аҳамият берилган. Байтал эгар-абзалларига безак бериб ҳашамлаш унчалик урф бўлмаган.

Отта жабдуғ ва кўмдан сўнг эгар босилиб, устига зул ёпилиб, абзал билан маҳкамланади. Чармдан тайёрланган абзал устидан улоқ-кўпқари пойғаларида эҳтиёт шарт жундан тўқилган пуштан қўланиб келинади. Чевар тикувчи онахонларимиз томонидан жило бериб тўқилган хуржунда товланиб турган куёш, зангори осмон, етти турдаги камалак ранглари ва нақшлар ўзгача кўринади.

Наҳал йўрға от оёғини ушлайди, бақувват қилади ва суришиб кетишдан асрайди. Дастлаб уста темирчи от лабига бувор солиб, туёғини ўтқир устара билан бир тортишдаёқ кесиб, наҳалга тайёрлайди ва тўқмор

миҳлар билан маҳкамлайди. Сийқаланиб, юпқаланиб кетмаслиги учун ҳар уч-тўрт ойда янгилаб туради. Тақачилик ҳам нозик касб, ўқув ва маҳорат талаб этади.

От миншда кишан ҳам асқатади. Кишанланган улов серўт яйлов излаб кетиб қолмайди. «Отта солсанг кишан, чой ичгунча ишон», — дейди кекса отбоқарлар.

Биз юқорида тилга олган от-улов жиҳозлари азал-азалдан халқимизнинг ифтихори бўлиб келган. Ота-боболаримиз улардан асраб-авайлаб фойдаланиб, бизгача етказишган. Бирок сўнги йилларда зийрак жонивор эгар абзалларига бўлган эътибор, муносабат Жиззах ва унга қўшни Сирдарё ҳамда Самарқанд вилоятларида бироз сусайгандек, назаримизда. Бизнингча, уларни тайёрлаб берувчи моҳир усталар эъозла-нч, уларнинг ҳунарлари тарғиб қилишга муҳтож туюлади. Туман ва вилоятларда бўлиб ўтаётган кўрик-танлов ва кўргазмаларда уларнинг иштирок этишини таъминлаш ва рағбатлантириб бориш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қисқаси, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган эгар-абзалларни асраб-авайлаш ва уларни кел-гуси авлодларга етказиш барчамизда қизиқши уйғот-моғи лозим. Шундагина ёшларнинг аънаёно қадрият-ларга ҳурмат ва эҳтироми ортиб, маънавияти бойиб бораверади.

А.САИДОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

ЎЗТИРОБ МУШОҲАДАЛАРИ



На шаклда маъно бор, на мазмунда. Тақдирнинг тап-тақир кўчаларидан қурол-аслаҳа тўла қопларингни елкалаб оёгинг тортган томонларга кетаркансан, бу ўнг йўлни, чап йўлни, елкаданги матоҳлар нимага керак бўлади, қаерга кетаяпсан, ўзи юришдан мақсад нима билолмай, сарсон-саргардонлик аламини оёгингдан олаверасан.

Одамда галати ҳиссиётлар бўлади. Баъзан вужудингнинг ичидаги жажжигина юрагингни кўтариш учун алпомишона қудрат ожизлик қилади. Заррагина вужудингни изтироблар дошқозонига солаётган, лаҳзалар ўтган сари сендан юз ўгираётган нимадандин нафратлана бошлайсан. Баъзан эса кимнингдир ўлганини эшитиб ўнғайсизланасан. Азага бориб қолгудай бўлсанг, гўё ҳамма сени қўли билан кўрсатаётгандек, «тирик қолиб нима ишни битирасан» дегандек бўлади. Устингдан муздек сув куйилади.

Умидсизлик одамни жоҳил қилмайди, балки тарбиялайди деганди бир танишим. Умидсизлик, содир бўлиши мумкин бўлган барча фожиаларга қарши бадантарбиядир. Умид — ноқобиллик белгиси. Умид билан яшашнинг ўзи, мангуликка интилиш, шон-шавкат, муҳаббат — барчаси ўша танаси тошга айланган, тошдан ҳам метиндан тунд чехра Сизифнинг бесамар уринишларига ўхшайди. Мушакларинг тиришиб-тиришиб минг йилдан бери, миллион йилдан бери ажинларга тўлаётган пешонамиздаги совуқ терларни қалтираётган қўлларинг билан сидириб, ўша ҳаёт деган, тириклик деган оғир харсангни чўққига итариб чиқасан. Орзуларинг ва юрагингни шафқатсиз калака қилаётган бу бемаъни юмшдан хайронсан. Ютганинг ҳам йўқ, ютқизганинг ҳам. Барибир Сизифлигингча қолдинг. Ёлғон, дейсан ёлғондан. Мантиқ йўқ ҳеч қанақа! Чумолининг уясидек қўланса оғзингдан йил бўйи минглаб ёлғонлар тарқалади. Ёлғон ҳаммаси! Шақирлаб ётган жисмингдан отилаётган исён томчиларини кунларга улашаркансан, бу ерда ақлнинг аҳамиятини тополмайсан. Ҳаёт жуда ҳам майда нарса. Аҳмоқли-

гинг алам қилади. Чексиз коинот қаршида ҳеч нарсага даҳл қилолмаслигинг, дунёнинг бачкана мувозанати олдида бир уюм нафратга айланасан. Қўлингга яна ўша тош. Бу тош сенки. Бу сенинг тақдиринг. Бу тош сенсан.

II
Ҳамма нарса бир-бирига кўринмайдиган, жуда ҳам нозик, илоҳий ришталар орқали боғланган. Худони алдадим, деб ўтказаётган тунингнинг қайсидир маҳалида бирдан юрагинг санчиб қолади. Титраб-қақшаб уйғонасан, ўша эски шифт, эски китоблар, эски тун. «Менинг гуноҳим йўқ! Мен... мен...». «Бундай ҳаёт яшашга арзимайди». Фаранг адиби Камю уйқусираб айтган бу гапни. Беихтиёр ҳамма даҳоларни бўралаб сўка бошлайсан. Уларга ҳасадинг келади. Улар тақдирингга эш эмаслигинг, ҳеч бўлмаганда, тириклигинг Аллоҳнинг қабулида эмаслигидан даҳшатга тушасан. Тонинг кумушранг ёғдуларига чалқиб, унинг бир тутам нурларини кучоқлаб ялиниб-ёлворасан. «Худого айт, мен тирикман».

III
Кўча-кўйда, автобусда, асаблари темирдан ясалган ҳамкасблар олдида чўпчак тўкиб ўтираркансан, тасодифан минглаб мардумлар ичида тириклигингни, нафас олаётганингни сезиб қоласан. Юрагингга бир мунис соғинч уйғонади. Сенга бўйсунмаган даҳрий бир соғинч. Қулгинг келади. Узингнинг туйғуларинг устидан...

Ўргимчак тўрига ўхшаган ҳаётнинг чигал чангалзорлари аро адашиб юраркансан, олдинда тенгсиз бир маҳлиқо пайдо бўлади. Унинг гўзаллигидан, туйғуларининг боқиралигидан, ундан таралаётган муаттар исдан даҳшатга тушасан. Киприқларига осилиб яшагинг, сочларига ўралиб исингинг келади. Дарвоқе, мен кимдир севардим. Кимлигининг аҳамияти йўқ, барибир севардим. Олдиндаги паривашга суқлаиб одамга хос жирканч эҳтирос билан тикилганча шу гапни айтасан: «Муҳаббат майда нарса». Ҳар сахар қўшини соғинтириб кўчага чиқадиган бир момикқина қизалоқ ша-

молдек учиб кетади. У ҳамма нарсдан қочиб кетади. Шон-шухратдан, ғазабдан, бахтдан, муҳаббатдан. Ўрнида бир тутам сезги қолади, жаннатмонанд бўй қолади. Аллоҳ шу қадар қудратли бўлса-я. Бўлмаса шу қадар буюклик яратилармиди? Дунёда ҳеч нарса яратилмайди, у Тангрининг нўматидир. Дунёдаги энг буюк ишонч — Яратганнинг ягоналиги ва қудратининг бемисллигига бўлган ишончдир. Ўша боқий қудратлар тўлкинида дарвешдек чор-ночор кун кечираркансан, бўғзингга суякдек қадаладиган, тиқиладиган, сени бўғадиган, майдалайдиган темир панжалари билан тинимсиз эзадиган ўша лаънати савол, хавф, шубҳа кўнглингга оралайди. Номини тополмайсан. Аммо ичингга нимадир чирсиллаб узилади, ичинг ғаш тортади. Йўқ, бу ерда нимадир бор. Яшашни севиш керак. Охиригача, ҳеч бир таъмадан, муҳаббатдан нафратдан холи ҳолда севишни ўрганиш керак. Нимадир қилиш керак! Ахир нима у? Бу тасодифнинг оти нима?

IV
«Дунёдаги энг оғир иш — фикрлаш». Инсон буқаламундек фикрлайди. Фикрламаган одам йўқ. Фикрнинг охири телбаланиш, иқиланиш, тавба билан якун топади. Яшашнинг ёлғиз чораси фикр, фикрнинг эса вафоси бўлмайди. Шунинг учунми, ҳамма фикр аҳли оломонда телбадек таассурот қолдиради. Ҳар қандай ғоя — фикрдир, фикрдан ташқаридаги борлиқни ҳали инсоният кашф этолгани йўқ. Фикрнинг дарвозаси бўлмайди, у ҳамма учун очик. Инсон туйғуларини ўрганишга озгина бўлса ҳам жазм этдингми, ўша ҳиссиётларнинг томирида фикр оқади. Бутун организм фақат тафаккур, фикрлардан иборат бўлган оддийгина устқурма, холос. У ҳеч қачон кечаги кун билан яшамайди ва ҳеч кимни вафолари деб аташга, унга ишоншга, уни севишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ғоялар тинимсиз ўзгаради, китоблар эскиради, қадриятлар арзонлашади. Ва кўзингнинг олдида... бутун

борлик, ҳаёт маъносини йўқотиб бо-раверади. Қўлига икки марта шароб олган болакай учинчи сафар ҳеч нарсдан қийналмайди. Инсоният ҳаёт саҳросига илк қадамини қўйганига неча миллион йил бўлди. Унинг руҳи кечирган талваса-ю қийноқлар йиллар са-ноғига сигмайди. Янги аср шундай ҳақиқатки, оғирроқ қилиб айтганда, кўргуликнинг гувоҳи бўлиб турибди. У энди ҳар оқшом гўдақлар билан қадаҳ уриштириб шароб ичади, фикрни, қалбни, вужудни яллиғлантиради. Яллиғланган дунё эса чала дин, чала фан, чала маърифатни бемаза қовундек бутун ер юзига экиб ташлайди. Энди тили чиққан гўдақнинг оғзидан ота ёки нон эмас, балки пул, манфаат, фойда деган сўзлар чиқади.

XXI ўзи учун ҳамма масъулиятдан осонликча воз кечди ва инсоннинг ҳақиқий қиёфасини очиб ташлади. Бу қиёфалар Достоевский қаҳрамонларидан ҳам ночор, тубан ва ҳақир ҳолда яшамокда. Тириклик деган қадриятнинг баҳоси Атторма алмаштирилган бир қоп сомондан ҳам анча пастроқ бу замонда инсониятга нажот йўли бугун анчагина ёпилди. Китоблар ўқиб, режалар, ҳар хил назариялар ўзлаштириб бўлинди, қолган-қутганини яратиш илми одамни ташвишга солади. Инсон туйғулари қурбонлиги ҳисобига эришилган цивилизация бугун ўша инсоннинг ўз асабини қақшатади. Янги аср одами зериккан, толиққан ҳамда энг бўшанг, ландовур одамдир. У энди ҳеч нарсага ишонмайди, ишонса ёлғизлигигагина ишонади. Ишонса, ҳеч ким эмаслигига ишонади. Ишонса, ҳаётининг турган-битгани ғирт телбақидан бошқа нарса эмаслигига ишонади. Одам Ато билан Момо Ҳавонинг оғзида ҳалигача таъми қолган ўша хиёнатга сабабчи бўлган меванинг илдиэлари ёвузликдан сув ичганига ишонади.

Алимурод ТОЖИЕВ

Ўз-ўзини нимагадир ишонтира билиш, ихлос биз тасаввур қила олмайдиган даражада қудратли воқеликка айланиши мумкин экан. Нима бўлишидан қатъи назар, олимлар ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам нимагадир ишонтирмакчи бўлганда ўйлаб иш қилиш кераклигини маслаҳат берадилар. Ақс ҳолда бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Носоғлом хаёлот оқибатлари ҳақида адабиёт бизга истаганча сабоқ бериши мумкин. Шифокорларнинг фикрича, бундай ҳодисалар фақат адабиётда эмас, ҳаётда ҳам юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Дейлик, Николай Гоголь «Кўҳна дунё помешчлари» асарига Клавдия Ивановна қисматини ҳикоя қиларкан, ўта иримчи аёл ўлароқ одамларни кунни битганига ишонтирмакчи бўлгани, алал-оқибат бандаликни бажо келтиргани ҳақида ёзади.

Агата Кристи эса «Қишлоқдаги овлоқ уй» ҳикоясида Эллис исмли қизнинг эрини сўзлар оғуси билан ҳалок этганини тасвирлайди. Ҳикоя қаҳрамони эрига у ҳозиргина ичган кофега захар қўшганини айтади. Кофега шакардан бўлак ҳеч нарса қўшилмаган бўлса-да, эр бу гапга ишониб, ўша захотиёқ тил тортмай ўлади.

Тиббиёт тарихидан яна бир мисол. Бир одамни тасодифан вагон-музлатчига қамаб кетишди. Музлатчиги ишламаётган бўлса ҳам, шўрлик ҳалиги кимса қўлоқларини ҳаракатга келтириб

Ихлос фақат «жалос»ми?

турсам музлаб қолмайман, мен ҳали одамларга кимлигимни кўрсатиб қўяман деб ўзини ўзи ишонтира бошлайди. Оқибати шу бўладики, ростдан ҳам музлаб қолади.

Ява оролида рўй берган бир воқеа. Қишлоқларнинг бирида жиноят содир этилади. Жиноятчини аниқлаш учун фолбинга мурожаат қилишади. У барча гумондорларга тахир, лекин соғлиққа жиддий зиён етказмайдиган «жодули» суоқлик ичиради. Таъсир этмаслигига қаттиқ ишонганларнинг барчаси суоқликни бир кўтаришда ичиб юборишади. Жиноятга қўл урган кимса эса тақдирингга тан бериб (демакки, ўзини ўзи ишонтириб) бирданига шалвираб қолади. Танасида кескин ўзгаришлар рўй бериб, тез орада ҳалок бўлади. Ўз-ўзини ишонтириш, ихлос айбдорга ҳам, айбисларга ҳам бирдай таъсир этган кўринади.

Кунлардан бир кун бир одам у-

фатини меҳмондорчиликка таклиф этади. Меҳмон вино тўлдирилган қадаҳни улфати қаршисига суриб, ичишни таклиф этганда, негадир унинг кўзига қадаҳ тубида ингичка илон бордай туюлади. Ўз шубҳала-

ди. Дардига шифо тополмай, ўлимни бўйнига олади. «Касаллик» сабабларини эшитган, дўсти уни яна уйига таклиф этади. Яна ўша жойга ўтқизиб, қадаҳ тўлдиради. «Ол, ошна, — дейди, — дармондори со-

Меҳмон лом-мим демай шифтга ишора қилади. Меҳмоннинг боши устида саримсоқийёз тикилган ингичка колбасасимон пайпоқ осилиб турарди! Бемор шу захотиёқ «ингичка илон» шунчаки пайпоқ акси эканини англайди. Дўстлар хо-ҳлаб қулиб юборишади, касаллик ўлгур ҳам ўз-ўзидан қаёққадир йўқ бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, яқин орада сўз ва ўз-ўзини ишонтира билиш воситасида беморларни даволаш, фарзанд тарбиялаш, шахсий ҳаётни тартибга солиш, олис сайёраларга учиб мумкин. Бош мия фаолиятини дастурлаштириш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ихлос «юлдузлар» тақдирида

Ҳолливуд руҳшуноси Алан Дорфманнинг таъкидлашича, арзимаган касалликлар ҳам актёрларни эсанкиратиб қўйиши мумкин экан. Персонажлар тақдирини юрагига ўта яқин олиш санъаткор учун кони зиён, дейди у.

Роберт де Ниро «Рисоладаги одам» филмида ярим фажаж кимса родини ижро этган, елкалари қақшаб оғрий бошлайди. Тиббий тадқиқотлар унинг елкалари қақшаб ҳеч қандай жиддий ўзгаришлар бўлмаганини қайд этди. Фақат руҳшуносларгина ҳамма гап ижро этган ролида эканлигини исботлаб бериб, актёрни даволашга муваффақ бўлдилар. Персонажнинг бор азоб ва изтироблари актёрга ҳам ўтган экан.

Сузиш буйича олимпия чемпиони, кейинчалик кинож-ранларда афсонавий Тарзан қиёфасида пайдо бўлган Жонни Вайсмоллер том маънода жунгли фарзандига ай-лаңди-қолди. Аҳвол шу даражага бориб қолдики, у кўча-

да Тарзан бўлиб ўқирмасдан юролмайдиган бўлиб қолди. У хуштак чалиб, чинқириб, йўловчиларни чўчитар, тил-забонини бутунлай унутиб қўйганди. Тарзаннинг ҳаёти алал-оқибат жинниҳонада барҳам топди.

Наталья Варлей (ўша биз билган машҳур «комсомол, спортчи, студент қиз») «Вий» филми суратга олинаётганда тобутдан қулаб тушиб, оғир дардга дучор бўлди.

«Қизил бодрезак» филми қаҳрамони ҳалок бўлганидан кейин кўп ўтмай Василий Шукшин ҳам оламдан ўтди. Олег Дал спектаклдан кейин меҳмонхонадаги бўлма-сига кетаётганда ҳамкасби уни даҳлизда тўхташиб, йўл бўлсин деди. Улгани кетаётган деди Дал. Бўлмасига ки-риб, эшикни ёғди-ю, юрак ўйноқидан жон таслим қилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Р.МУҲАММАДИЕВ тайёрлади

Меҳнат шартномаси


Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил

11 мартдаги қарорига асосан «Ўзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар»

ишлаб чиқилган бўлиб, унга 1997 йил

7 августда ўзгартиришлар киритилган.



Ўзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) доимий ишловчи (номуайян муддатга ишга қабул қилинадиган) ходимлар, муддатли меҳнат шартномаси асосида (беш йилгача бўлган муддатга, муайян ишни бажариш вақти учун) ишга қабул қилинадиган ходимлар, касаначилар билан ҳам асосий иш жойи, ҳам ўриндошлик бўйича тузилади. Муддатли

меҳнат шартномаси меҳнат муносабатлари номуайян муддатга белгиланиши мумкин бўлмаганда бўлажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари, ходимнинг манфаатларини ҳисобга олиб қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда тузилади.

Шартномани тузишда асосий ва қўшимча шартлар кўрсатиб ўтилади.

Шартноманинг тарафлари

Қуйидагилар меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланади: иш берувчи — корхона, жумладан, унинг раҳбари номидан корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмалари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўн саккиз ёшга тўлган шахслар; ходим — ўн олти ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси, шунингдек, хорижий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахс (бошқа ҳолларда ота-онасидан бирининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўн тўрт ва ўн беш ёшга тўлган болалар).

Шартноманинг асосий шартлари

Шартномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

иш жойи — ходим ишга қабул қилинаётган корхона, муассаса ташкилот (унинг таркибий бўлинмаси)нинг номи;

меҳнат функцияси — мазмуни лавозим йўриқномалари, малака мажбуриятлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган муайян мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича (раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг ҳамда бошқаларнинг Ягона тариф-малака маълумотномаси, Малака маълумотномалари га мувофиқ);

иш бошланадиган кун — қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, агар ишнинг бошланиш санаси қайд этилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан (сменадан) кечикмай ишга тушиши керак;

меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва бошқа шартлар. Бу миқдор тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши ва энг кўп миқдор билан чегараланиши мумкин эмас;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим меҳнат шартномаларини тузишда асосий шартлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Масалан, муддатли меҳнат шартномаси тузишда ишнинг бошланиш санасигина эмас, балки унинг тамом бўлиш санаси ҳам қайд этилади. Ходим муайян ишни бажаришга қабул қилинганда бажарилиши зарур бўлган иш аниқ кўрсатилади. Уриндошлик асоси-

да меҳнат шартномаси тузишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган энг кўп муддат доирасида кундалик ишнинг аниқ муддати белгиланади.

Шартноманинг қўшимча шартлари

Тарафларнинг келишувига кўра шартномада қўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин. Улар тарафларнинг мажбуриятини аниқлаши, тўлдириши, ходимга қўшимча имтиёз ва афзалликлар берилишини назарда тутиши мумкин.

Қўшимча шартларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

ходимга меҳнат шароитлари белгиланган ҳолда ЯТММ ва ММда назарда тутилган қўшимча меҳнат мажбуриятини юклаш;

бир неча касбда ишлаш тартиби ва шартлари кўрсатилган ҳолда шартноманинг мустақил шартли сифатида бир неча касб (лавозим)да ишлаш;

агар ходим синов муддати билан ишга қабул қилинаётган бўлса, синовнинг аниқ муддати;

ходимнинг мураккаброқ ишлари бажариш билан боғлиқ юқори малакаси учун унга яқка тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш (тариф ставкалари, лавозим маошлари, қўшимча ҳақлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа хилдаги тақдирлашлар)нинг юқорироқ миқдори, агар бу амалдаги қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида (барча даражадаги битимларда) ёки корхона, ташкилот, муассасада амал қилувчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бўлса;

ходим учун белгиланган иш вақти режими (тўлиқсиз иш кунни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбай иш, иш кунининг бошланиши, тамом бўлиши ва бошқалар);

қўшимча (иш ҳақи тўланадиган ва тўланмайдиган) дам олиш кунлари, таътиллари бериш;

ижтимоий-маиший тусдаги шароитлар (болалар боғчасида ўрин, санитарий-курортда даволанишга йўлланма, уй-жой бериш, транспорт хизмати, марказлаштирилган тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқалар);

муддатли меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўлаш.

Ходимларнинг алоҳида тоифалари учун шартноманинг қўшимча шартлари: пул ёки товарлар билан ишловчи шахслар учун тўлиқ моддий жавобгарлик шартли; корхона раҳбарлари учун меҳнат

шартномасини бекор қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча асослари ва ҳ.

Шартномани расмийлаштириш

Шартнома бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ҳамда сақлаш учун ҳар икки тарафга берилади.

Шартномада тарафларнинг манзили кўрсатилади.

Шартнома сана кўрсатилган ҳолда имзолар билан тасдиқланади. Корхона, муассаса, ташкилот ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг имзосини гербли муҳр билан тасдиқлайди (гербли муҳр бўлмаган тақдирда имзонинг ҳақиқийлиги ва ваколатлилигини тасдиқловчи бошқа муҳр билан тасдиқланади).

Ходимнинг талабига кўра шартнома у биладиган тилда тузилади ва давлат тилида тузилган шартнома билан бир хил кучга эга бўлади.

Ходим билан тузилган шартномаси ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Буйруқ шартнома мазмунига зид бўлмаслиги керак.

Шартнома шартларининг ҳақиқий эмаслиги

Шартноманинг қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом ва бошқа локал норматив ҳужжатларга нисбатан ходимнинг аҳолини ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Жумладан, унда: шартномани бекор қилишнинг қўшимча асослари, қонун йўл қўядиган ҳоллар бундан мустасно; қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган интизомий жазолар;

Меҳнат кодексига белгиланган энг юқори муддатдан ортиқча синов муддати;

ўриндошлик асосида ишлашга қўшимча чеклашлар;

қонунда назарда тутилганидан ортиқча иш вақти;

ходимлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда моддий жавобгарлик жорий этиш ҳақидаги шартлар белгиланиши мумкин эмас.



Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда қандай ҳолатда қасаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилиги олинмайди?

М.МУХИДДИНОВ,
Тошкент шахри.

Меҳнат кодексининг 101-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси:

— корхона тугатилиши муносабати билан;
— корхона раҳбари билан тузилган шартномани ушбу кодекснинг 100-моддаси 2-қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;
— ушбу кодекснинг 100-моддаси 2-қисмининг 6-бандига кўра иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда қасаба уюшма кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг розилигини олиш талаб этилмайди.

100-модданинг 2-қисмига биноан қуйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги шартномани бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги.

Ушбу кодекснинг 100-моддаси 2-қисмининг 6-бандига кўра корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан меҳнат шартномаси мулкдор алмашиши сабабли бекор қилинганлиги ҳам асосли ҳисобланади.

TV-SPORT

17.50 «Скоростной участок...»
18.40 «Неделя спорта»...
19.40 Бильярд. Суперкубок 2008...
21.35 Футбол...
22.50 «Вести-спорт»...
23.15 Футбол...
00.30 Футбол (Италия) - Чехия (Великобритания)...

Пайманба

08.00 «Страна спортивная»...
08.45 «Вести-спорт»...
09.00 «Зарядка с чемпионом»...
09.15 М/с «Что нового, Скуби-Ду?» (США)...

Чорнаба

06.40 Футбол. Премьер-лига. «Крылья Советов» (Самара) - «Шинник» (Ярославль)...

Жума

06.35 Футбол. Лига чемпионов. БАТЭ (Белоруссия) - Эвертон (Англия)...

Шанба

16.15 Музыкальная дорожка...
16.55 Художественный фильм «Моя любимая женщина»...

Душанба

12.00 Кипл минута...
12.20 Ералаш...
12.40 Мультфильм «Динозавр»...

Чорнаба

12.00 Кипл минута...
12.20 Ералаш...
12.40 Мультфильм «Планета со слонами»...

Жума

12.00 Кипл минута...
12.20 Ералаш...
12.40 Мультфильм «Возраст не помеха»...

Сенанба

12.00 Кипл минута...
12.20 Ералаш...
12.40 Мультфильм «Корпорация монстров»...

Ishonch TV!

DTV

08.00 «Уланное утро»...
08.55 Музыка на ДТВ...
09.00 19.30 Детектив «Шпионы и предатели»...

HTB

06.20 Д/ф «Смугла»...
07.30 «Сказки Бахенова»...
08.00 «Сегодня»...
08.15 М/ф «Аленький цветочек»...

ТВ-3

08.00 М/с «Смешарики»...
10.30 М/с «Капитан Фламинго»...
11.00 «Детские шалости»...
12.45 М/ф «Том и Джерри»...

СТС

08.00 Анимаш. Фильм «Король Атлантиды» (США)...

Спорт

7.00 «Бодрая утроба»...
8.00 «Талкин». Информационно-тахаилый курсив...

Россия

05.10 Х/ф «Большая семья»...
07.00 «Взгляд света»...
08.00 «Сам себе режиссер»...

TV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари...
08.00 Серил «Жасоига ушашин йук»...

YOSHLAR

15.55 «Yoshlar» саломини...
16.00 «ДАВР»...
16.15 «Давлат рақазари»...

Душанба

19.40 «Вести-спорт»...
19.55 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины...

Ishonch TV!

DTV

Ташкент - Душанба

17.50 Курсулар тартиби...
17.55 Мультисерил: «Толлик»...
18.05 «Икки такдир»...
18.25 «Ташкент-2200»...

ТВ-3

08.00 М/с «Смешарики»...
10.30 М/с «Капитан Фламинго»...
11.00 «Детские шалости»...
12.45 М/ф «Том и Джерри»...

СТС

08.00 Анимаш. Фильм «Король Атлантиды» (США)...

Спорт

7.00 «Бодрая утроба»...
8.00 «Талкин». Информационно-тахаилый курсив...

Россия

05.10 Х/ф «Большая семья»...
07.00 «Взгляд света»...
08.00 «Сам себе режиссер»...

TV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари...
08.00 Серил «Жасоига ушашин йук»...

YOSHLAR

15.55 «Yoshlar» саломини...
16.00 «ДАВР»...
16.15 «Давлат рақазари»...

Душанба

19.40 «Вести-спорт»...
19.55 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины...

Ташкент - Душанба

17.50 Курсулар тартиби...
17.55 Мультисерил: «Толлик»...
18.05 «Икки такдир»...

Ishonch TV!

DTV

08.00 «Уланное утро»...
08.55 Музыка на ДТВ...
09.00 19.30 Детектив «Шпионы и предатели»...

HTB

06.20 Д/ф «Смугла»...
07.30 «Сказки Бахенова»...
08.00 «Сегодня»...
08.15 М/ф «Аленький цветочек»...

ТВ-3

08.00 М/с «Смешарики»...
10.30 М/с «Капитан Фламинго»...
11.00 «Детские шалости»...
12.45 М/ф «Том и Джерри»...

СТС

08.00 Анимаш. Фильм «Король Атлантиды» (США)...

Спорт

7.00 «Бодрая утроба»...
8.00 «Талкин». Информационно-тахаилый курсив...

Россия

05.10 Х/ф «Большая семья»...
07.00 «Взгляд света»...
08.00 «Сам себе режиссер»...

TV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари...
08.00 Серил «Жасоига ушашин йук»...

YOSHLAR

15.55 «Yoshlar» саломини...
16.00 «ДАВР»...
16.15 «Давлат рақазари»...

Душанба

19.40 «Вести-спорт»...
19.55 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины...

Ташкент - Душанба

17.50 Курсулар тартиби...
17.55 Мультисерил: «Толлик»...
18.05 «Икки такдир»...

Ташкент - Душанба

17.50 Курсулар тартиби...
17.55 Мультисерил: «Толлик»...
18.05 «Икки такдир»...

Ташкент - Душанба

17.50 Курсулар тартиби...
17.55 Мультисерил: «Толлик»...
18.05 «Икки такдир»...

ОЗВЕКСТОН

Table of TV programs for OZBEKISTON channel, listing times and program titles.

TV MARKAZ

Table of TV programs for TV MARKAZ channel, listing times and program titles.

ТВ-3

Table of TV programs for ТВ-3 channel, listing times and program titles.

ТВ-3

Table of TV programs for ТВ-3 channel, listing times and program titles.

ТВ-3

Table of TV programs for ТВ-3 channel, listing times and program titles.

ТВ-3

Table of TV programs for ТВ-3 channel, listing times and program titles.

ОЗВЕКСТОН


Table of TV programs for OZBEKISTON channel, listing times and program titles.

ТВ-3

Table of TV programs for ТВ-3 channel, listing times and program titles.

ТВ-3

Table of TV programs for ТВ-3 channel, listing times and program titles.



Шеър ва шуур

Мени сехрлаган биттиклар



Одатда ижодкор ҳақида сўз кетганда унга нисбатан иқтидорли, истеъдодли деган сифатлар ишлатилади. Аммо уларга жо бўлган сезимнинг залворли юкини ҳар ким ҳам кўтариб юра олмайди. Чунки элнинг назари беҳикмат бировга тушмайди. Таъсирланиш, ҳис қила билиш ҳам ҳар кимда турли даражада бўлади. Ўзини ларзага солган нарсаларни бошқаларга ундан-да таъсирчан қилиб етказиб бериш учун эса катта қалб соҳиби бўлиш керак:

**Ким шамол, ким отда учиб елишди,
Пешинми, шом чоғи ва ё эрталаб,
Шеърият шаҳрига кириб келишди.
Мен Тўполондарёни келдим етаклаб.**

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид шеърларидаги халқона руҳ айна пайтда сизга ҳам таниш бўлиб чиқади:

**Сехрли бу шаҳар, гўзал бу шаҳар
Ваъда айлар эди жозиб эртақлар.
Зангор дарвозасин очиб бир шаҳар,
Мен Тўполондарёни кирдим етаклаб.**

**...Ярим ошқозони йўқ булбул билан
Дўст тутиндик кейин тўшаб бўйрони.
Мен унга термулдим,
У менга дилтанг:
Нима қилсак экан Тўполондарёни?**

Шоир жонлантираётган дарё тимсолида танти ва содда йгит, унинг беғубор болалиги ўтган қишлоқнинг анъана-ю удумлари акс этади:

**...Уйли-жойли бўлди шоирлар қатор,
Шеър ахир кўнгилнинг эрка жайрони.
Бизнинг ҳам энди ўз рўзгоримиз бор,
Нима қилсак экан Тўполондарёни?**

**Шеърият, шеърият—
Ёддир, фарёд ҳам,
Не зотлар дил аро ёш олиб кетди.
Мен олиб келганим тошқин дарё ҳам,
Бир тонг хайрлашмайин бош олиб кетди...**

Шоирнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган

«Қалдирғочларга бер айвонларингни» номли китобини ўқиётиб ҳам шууримдан шундай ўйлар кечди. Мени тўлқинлантирган битик, афгон уруши қурбони Сирожиддин Тўраҳужаевга бағишланган хотира эди. «Ном»ни ўқишим билан бутунлай бошқа кайфиятга тушиб қолдим. Урушда ўғли ҳалок бўлган, «Ғам қорайтирган» отанинг, «болам, болам...»лаб сўзловчи кекса момонинг оғир ва мунгли гаплари ортидан бўй кўрсатиб турган изтироблари шу қадар таъсирчан ифодаланганки, кўзингиз намланади. Дард шоирнинг қалбидан шеър бўлиб сизиб, қоғозга томган:

**Дўстлари келса-ю келмаса болам,
Дўстлари кулса-ю кулмаса болам.
Бир пайтлар сочини тўзгитган еллар,
Ҳовлида елса-ю елмаса болам.**

Ота-она учун фарзанднинг ўлими ўта оғир жудолик. Айниқса, у чимилдиққа киролмай, ёр-ёр айтилмай кетса:

**Яхши кўрган қизи келиб йиғласа,
Сўнгра тўй бўлса-ю билмаса болам.
Суратдан чиқолмай мўлтираб зор-зор
«Тўйлар муборак»ни тингласа болам.**

Янги иморатнинг чала ишларига ҳануз қўли бормаётган Садриддин ота хонадонидан «исми биринчи марта ўзига малол келган...» шоир «эшик тўғрисидаги дарахт хира кўзларига дилбанди бўлиб кўринаётган» инсонлар ҳақида таъсирчан битиклар битади. Бу унинг улкан изтиробларни кўтариб юрган, инсон туйғулари-ю кечинмаларини нозик илғайдиган қалб соҳиби эканидан далолат. Дарҳақиқат, бундай битиклар кишини улғайтиради. Уйғоқликка, яшаётган доруломон кунларнинг қадрига етишга ундайди. Уқувчини шунчалик ҳаяжонга солган сатрларни битаётганда муаллифнинг ўзи қай ҳолатга тушди экан?! Балки шу боис ватан, миллий анъаналар, меҳр каби мавзулар шоир ижодида кенг ўрин тутар.

Бир муҳлис сифатида шоирга чуқур эҳтиромимни билдираман ва ижодига ривож тилайман.

**Абдулатиф
АБДУЛЛАЕВ,
журналист**

«Мен — ёшликман» танловига

Озода МЎМИНОВА — 1981 йил Самарқанд вилояти Пой-арик тумани Каттасайдов қишлоғида туғилган.

Сиеб педагогика коллежининг сиртки бўлим 2-курс талабаси. Шу билан бирга ЎзЛиДеП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия аппаратида референт вазифасида фаолият юритмоқда. Адабиётга ихлоси баланд. Айниқса, шеъриятни жуда яхши кўради. Матбуотда шеър ва мақолалари узлуксиз бериб турилади. Ҳаётдаги шиори — интилиш ҳеч қачон зое кетмасин!

Сиз нега бунчалар яхшисиз?

**Умримни лаҳзага жо айлаб,
Бағрингизга босинг авайлаб,
Ўз-ўзидан пичирлайди лаб,
Сиз нега бунчалар яхшисиз?!**

**Нигоҳи таъқибли айғоқчим,
Ўзидан қизғонган пойлоқчим,
Аммо бировгина алдоқчим,
Сиз нега бунчалар яхшисиз?!**

**О, заминдан узилдим қарахт,
Гўё бир зум тин олганди вахт,
Балки шудир, яшаш деган бахт,
Сиз нега бунчалар яхшисиз?!**

**Юрагимда бир ҳис яширин,
Билолмайман у ҳолининг оирин,
Азоблари жонимдан ширин,
Сиз нега бунчалар яхшисиз?!**

**Саодатдир сизни савийш ҳам,
Майли, ундан қолсин армон, ғам,
Барибир ҳеч кимга алишмам,
Сиз нега бунчалар яхшисиз?!**

РўМОЛИМ

**Йўқ, олмайман, ололмайман ҳам,
Йўлларидан қолди кўзларим.
Кипригимда икки томчи ёш,
Аста оқиб ювди юзларим.**

**Лабларимга босмоқчи бўлиб,
Рўмолимнинг четин излайман.
Тополмайин юрагим тўлиб,
Сарқаш ишқим кимга сўзлайман.**

**Бу не савдо, билолмай лолман,
Андишам, ҳаёмиди ё?
Сочим ёйик, афтоҳолман —
Балки шудир берилган жазо?**

**Озода МЎМИНОВА,
Самарқанд вилояти**

Вилоятдан бўйлаётганлар

— **Кўплаб шеърларингиз кўшиқ бўлган. Сизнингча, миллий эстрадамизнинг бугунги савияси қандай?**

— Мамлакатимизда муסיқий жамоатчилик вакиллари, эстрада санъатининг таниқли намояндалари, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, ёзувчилар ва бастакорлар уюшмаларининг таклифлари асосида миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши тузилган.

Давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 5 апрелдаги фармони асосан «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил топди. Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада кўшиқчилиги санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳозир юқорида номлари зикр этилган ташкилотларнинг вилоят бўлимлари мавжуд (бастакорлар уюшмаси бундан мустасно). Бироқ бемалол маданият, хусусан, эстрада соҳасидаги муаммолар бўйича катта бир анжуман чақириб, муҳокама қилса бўлади...

— **Баъзи мамлакатларда, масалан, Хитой, Беларус ва Молдовада фонограмма орқали кўшиқ айтиш тақиқланган. Айтинчи, бизда ҳам шу усул**

зигулик эмасми? Кўшиқларда миллий ғурур, ифтихор, ватанга садоқат, қолаверса, хонандалар қалбидан шаклланаётган тафаккур эстрада кўшиқчилигидаги жиддий ютуқларимиз бўлиб қолади. Фонограммага келсак, мазмунан саёз, бадиий маънода заиф, мантиқан қашшоқ кўшиқларни

ҳаёт эмас?

— Хит шоу-бизнесда қўлланиладиган тушунча. Демак, хитларнинг тезда «ҳидланиб» қолишига сабаб маҳсулотларнинг хомлигида. Ботир Зокировга келсак, бундай буюк истеъдод камдан-кам инсонга насиб этади. Сўзнинг қадрига етиш, қудратини англаш,

нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Агар байта дард билан оҳанг бўлмаганда, Навоий тахаллуси ҳам бўлмасди. Қарс икки қўлдан, кўшиқ эса учта дилдан чиқади — шоир, бастакор, ижрочи. Бундай уйғунлик профессионалларга дахлдор тушунча. Қарангки, ҳозир лицензияси бор кўшиқчи касбий даражадаги ижрочи ҳисобланади. Шу соҳада тирикчилик қилиш ҳуқуқига эга. Овоз ёзиш, клип ишлаш студияларининг саногии йўқ. Уларни эфирга узатадиган тижорат каналларининг «рангбаранглиги» ҳам шундан...

Раҳматли устозимиз Тўра Сулаймон «Шоирликни қисмат деб билмаган аввал шеърни, кейин эса шеъриятни сотади» дер эди. Шунинг учун «тижоратчи шоир» даражасига тушиб қолмаслик керак, у ҳолда матнга кўшиб шоирнинг ўзини ҳам сотиб олишади.

**Пиримқул
ДЎСТМУҲАММАД
суҳбатлашди,
Сирдарё вилояти**



Кўшиқ учта дилдан чиқади

Шоир Ҳаёт Шодмон билан суҳбат

қўлланса, эстрадамиз ютадимми ё ютказадими?

— Юқори бадиий савиядаги ижро услубига эга бўлган Маҳмуд Намозов, Гулсанам Мамазоитова, Мардон Мавлоновлар қайси Тотлиса, Хюстон ёхуд Тарқандан кам? «Ялла», «Нола», «Сарбон» гуруҳлари ҳам бадиий-ғоявий савияси билан мақтовга ар-

фонограммани чеклаш билан камайтиради бўлмайди, лекин бели унчалик оғирмай нон еяётган сохта «юлдуз»ларнинг тегирмони сувсиз қолади.

— **Нега эстрада хонандаларининг кўшиқлари бир-икки, нари борса бир йил хитга айланса-да, Ботир Зокировнинг кўшиқлари сингари бар-**

ранглар жилосини илғаш, оҳанглар силсиласини дилдан ҳис этиш бугун камдан-кам хонандада бор.

— **Охириги пайтларда энг кўп танқид кўшиқ матнларига бориб тақалади. Афсуски, бу танқидлар унинг «ижодкорлари»га қивин чаққанчалик таъсир қилмаяпти. Кўшиқ сифатини кўтариш учун**

Далалардан баҳор иси келади. Шундай кунларнинг бирида юз берган фожиа ҳақидаги хабар нафақат Говбанд кишлоғи, балки бутун Оқдарё тумани бўйлаб тарқалди. Гулсара ўша кунни турмуш ўртоғи Муроджон ва қизлари билан бирга кишлоқ четига далага йўл олаётган эди. Шу пайт ўқариқ ёқалаб бир бола қўл силтаганча улар томон чола бошлади.

— Опа! Қарангизлар, ана у ерда бир аёл киши ётибди.

— Йўғ-е, яқинроқ бориб қарадингми?

— Қўрқаман, опа...

Улар бола кўрсатган томонга боришди. Қарашса, 50-55 ёшлардаги аёл юзтубан ётибди. «Ё тавба, ўлиб-нетиб қолмаганмикин ишқилиб... Маст десанг, дуппа-дуруст кийинган». Шу ўйлар билан унга синчиклаб қарашди. Соңлар тўзгиган, ёқа вайрон. Бошидан сизиб чиққан қон қотиб қолган. Ойсара секин эгилиб кафтини аёлниг бўйнига теккизди. Хайрият. Танаси ҳали совумаган.

— Олажон, кўзингизни очинг. Кимсиз?

Саволлар жавобсиз бўлгани билан тана илиқлигининг ўзи катта гап эди. Шу пайт аёл чуқур инграб, қовжироқ лаблари қимтина бошлади. Кимдир «тез ёрдам»га хабар бериш учун кишлоқ томон югурди. Туман ИИБ вакиллари ҳам врачлар билан изма-из воқеа жойида ҳозир бўлишди.

Жабрдийда тезда Оқдарё туман марказий шифохонасига етказилди. Тиббиётчилар жон талашаётган аёлга қанчалик парвона бўлишмасин, унинг яқинларидан дарак бўлавермади. Бироқ аёлниг хушига қайтиши унинг шахсига оид маълумотларни бироз ойдинлаштирди.

Аёл Андижон вилояти Кўргонтепа туманида яшовчи Қундузхон Аҳмедова бўлиб чиқди. У Оқдарё тумани Суғончи кишлоғига узатилган қизи Раънонинг уйига меҳмонга келаётган экан. Орзу-ҳавасга тўла она қизининг фарзанд кўрганини эшитгач, сарполар ҳозирлаб йўлга чиққан эди...

Бегижон Зайниддинов оқдарёлик қизининг кўзи ёригани, чақалоққа яхши ният билан Зилола дея исм қўйишганини хотинидан эшитиб, еру кўкка сизмай қолди. Ишдан қайтиб уйига келса, хотини сафарга отлаиб бўлган экан. «Аттанг, мен ҳам у билан жўнаганимда, бошқача бўларди. Баҳонада қуда-анда, ёру биродарларни кўриб қайтардик!».

Эртаси кун ишдан қайтгач, уйдаги юмушлар билан вақт ўтказаркан, қулоқлари биргина кўнғироққа интиқ турарди. «Тавба, Қундузхон етиб борган бўлса, шундоқ телефон қилиб, яхши етиб келдим деб хабар берса олам гулистон эмасми? Аёллар ўзи шунақа, эртадан кечгача гап сотишга вақт топишадими-ю, биргина кўнғироқ қилиб, уйдагиларни тинчитай демайди».

Иккинчи кун охирлаб, қуёш бота бошлаган пайт эди. Бир зумда осмонни булут қоллай бошлади. Хавотир билан кўкка тикилган Бегижон аканинг юзига уч-тўрт совуқ томчи урилди. Уларни кафти билан сидираркан, кўнғилда аллақандай ғашлик кечарди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, қўл телефони жиринглай бошлади. Фожиа дарагини эшитгач, қўл-оёғи увишиб, юрагини чангаллаганча диванга ўтириб қолди.

Кейинги воқеаларни тасаввур қилиш мушкул эмас. Жиноятни содир қилган муштумзўрлар бу пайтда бемалол тараллабедод қилиб юришарди...

Туман прокуратурасида туни билан чироқ ўчмади. Эрталаб Тальат Абдухолиқзода хонасига кирса, телефон кетма-кет жиринглаб ётибди.

— Алло, эшитаман.

— Салом, Тальат ака, жиноят ишини очдингизларми?

— Очилди дея олмайману, аммо...

— Аммога ўрин ҳам, вақт ҳам йўқ. Наҳотки, тажрибангиз камлик қилаётган бўлса? Балки марказдан алоҳида гуруҳ жўнатганимиз маъқулдир?

Прокурор кўрилаётган тadbирлар самара беришига раҳбариятни ишонтирди. Аммо барибир дилидаги хижиллик тарқамасди. Айниқса, вилоят прокурорининг «Балки марказдан алоҳида гуруҳ жўнатганимиз маъқулдир?» деган киноясини қай маънода ҳазм қилишни тушуна олмасди.

Кўп йиллар вилоят микё-

сида иш юритиб, қанча-қанча жиноятларни фош этишган. Ўзига ишонган прокурор қаддини кўтариб, девордаги соатга қаради. Тезкор гуруҳ йиғилишининг бошланишига ҳам санокли дақиқалар қолибди.

Галдаги кенгаш янада аниқ фикр ва мушоҳадалар асо-

ҳам безътибор қолмасин. Шу кунни марҳуманинг ўлими билан боғлиқ бошқа тахминлар ҳақида ҳам гаплашиб олинди.

Кўча бошида соқол-мўйлаблари бироз ўсган 35-40 ёшлардаги йигит ҳорғин одимлаб борарди. Буни кўриб муюлиш адоғидаги автомобилда ўтирган тезкор ходимлар бирдан сергак тор-



сида кечди. Ходимлар ахбороти ҳамда фикр алмашувидан кейин терговчи Муроджон Маъдиев сўнги тахминларни баён этди.

— Эътибор қилсангиз, мана бу биринчи қоғозга ҳозирги пайтда турли сабаблар билан уйдан олисда юрган фуқароларнинг исм-фамилиялари ёзилган. Улардан икитасининг рўпарасига белги қўйилганининг сабаби бор. Олайлик, Зафар Ҳақимов ва Олим Ҳайитовлар (исмлар ўзгартирилган)нинг уйдан кетиб қолиши айнан фожиа юз берган кунга тўғри келаяпти. Бунинг устига яшаш жойлари ҳам ўша худудга анча яқин. Менимча...

— Мен ҳам кўшимча қилсам майлими? — катта лейтенант Зайниддин Мамаатов ўрнидан турди. — Гумондор ҳақидаги фикрларга қўшиламан. Биз рўйхатга кўра туман ИИБ бошлиғи ўринбосари майор Соҳиб Қаршиев, катта лейтенант Баҳодир Раҳмоновлар билан гумондор Зафар Ҳақимовнинг хонадонига бордик. Дастлаб онаси, изидан унинг хотини пешвоз чиқди. Кўрсатмалари икки хил чиқаяпти. Бир оилада яшашгач, Зафарнинг уйдан кетиши сабаби битта бўлмайдими?

— Хўш, ўртоқ профилактика нозирлари. Ҳар қалай, сизлар ҳам бу рўйхат билан энди танишаётган бўлмасаларинг керак. Мушук-сичқон ўйини яна қачонгача давом этади?

Дилмурод Мўминов бу гапдан ўрнидан даст туриб кетди:

— Унчалик эмас. Гумондор тунлари ҳам уйига келмай қўйган. Биз Фурқат Мўминов ва бошқалар билан кузатувни бирор дақиқа ҳам тўхтатганимиз йўқ.

— Ундай бўлса, яхши. Ниҳоятда синчковлик билан кузатувни давом эттиринглар. Улар бориши мумкин бўлган худудлар

тишди.

— Худди ўзи! Хушёр турунлар, чўчитиб қўймайлик, — Дилмурод Мўминов шундай дея вазифаларни ҳам тақсимлаб қўяолди. — Сизлар ташқарида туриб, шароитга қараб иш кўрасизлар.

Бу пайтда «объект» дарвозаси рўпарасига етиб қолганди. У тўхтаб, атрофига зимдан нигоҳ ташлаб оларкан, кичик табақани оёғи билан итариб, ичкарига кирди. Автомобил ҳам зум ўтмай етиб келди. Дарвозадан ҳатлаб ичкари киргач, нозир йигит супа сахнида аввалдан таниш бўлган гумондор ортидан етиб олди: — Менга қара, ошна. Қани, шунча кундан буён қаерларда юрибсан?

Кутилмаган саволдан Зафар Ҳақимов жойида тўхтаб, ортига қаради.

— Менми? Каттақўрғонда эдим... Нима, меҳмонга бориш ҳам мумкин эмасми?

— Ўзингни гўлликка солишни бас қил! Тўртинчи кундирки, ором билмадик. Шундай экан, сен ҳам баъзи нарсаларни изоҳлаб беришингга тўғри келади.

Йигит ташқарида турган махсус кийимдаги ходимга кўзи тушди-ю, вазиятнинг нечоғли кескинлигини англаб, «Бўпти, командир. Бор десангиз бораверамиз» деди. Машина бир маромда марказ томон олиб борарди. Ҳарчанд босиқлик қилишга уринмасин, гумондор бўлғуси савол-сўроқларни мушоҳада қилиб борарди.

— Сен билан бир худудда яшаб келаяпмиз, Зафар. Ростини айт, шунча кун бекорга юрмагандирсан?..

— Боя айтдим-ку, — гумондор ёвқараш қилганча сўхбат-

дошига юзланди.

— Ҳамма ҳам хато қилади. Аммо бўйнига олиш мардининг иши. Тан олмаслик билан жазони енгиллатиб бўлмайди. Аксинча, ҳаммаси тескарига айланиб кетиши мумкин, оғайни.

— Ака, ичиб юрсам ҳам, ақлимни ичмаганман. Лекин қандай айтсам экан?.. Биз жудаям маст эдик...

— Гапир, гапиравер.

— Олим иккаламиз ўша аёлни билмасдан ўлдириб қўйдик. Ахир, бундай бўлишини ким билибди дейсиз?

— Нега ахир, ўша арзиманган нарсалари учунми?

— Ундай эмас! Ўзи ҳам бизни қарғади-да. Энди бизга нима бўлади, ака?

Гарчанд кўрсатмаларини алоҳида-алоҳида ёзиб беришган бўлса-да, тушунтириш хатларида ўхшаш жиҳат бор. Масалан, Олим Ҳайитов шундай ёзади: «Биз кўшим ва қариндошим Зафар Ҳақимов билан вино ичдик... Сўнгра уйдан чиқиб, тунги соат 12-1 ларда катта йўлга етиб келдик. Шу вақт Самарқанд томондан Бухоро йўналиши бўйича бир автобус келиб, Суғончи

қилди. У кўнмагач, уриб, юзига тепди ва қўлидаги тош билан бошининг орқасига урди. Мен ҳам ҳамроҳим қўлидан тушган тошни олиб, аёлниг бошига урдим. У йиқилиб қолгач, чап ва ўнг қўлидаги учта тилла узугини ечиб олдим. Бўйнидаги телефони ҳам. Олим эса аёлниг чўнтагини титқилаб, пуллари олди. Кейин кўча томонга биров келиб қолмасин деб қараш учун кетдим. Бу пайт Олим аёлниг қўйлагига ёпишиб турган эди...».

Мазкур жиноят иши бўйича гумондор З.Ҳақимов, О.Ҳайитовлар гарчанд биринчи тергов жараёнида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, пушаймон эканликларини баён этишган бўлса-да, кейинчалик гапларидан тона бошладилар. Аниқроғи, жавобгарликдан қутилиш мақсадида кўрсатмаларини ўзгартира бошлади.

Қ.Аҳмедованинг касаллик варақаси ҳамда Оқдарё туман суд-тиббиёт экспертининг хулосасида марҳуманинг ўлими бошининг ўнг чакка, пешона, тепа суяклари парчаланиб ва ботиб синиши билан кечганлиги эътироф қилинган.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ўнлаб кишиларнинг кўрсатмалари, айбланувчилар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомалари ўрганилганда, шамол бўлмаса, даракнинг учи қимирламаслиги яна бир бор аён бўлди.

Мазкур иш бўйича ўнлаб суд-тиббиёт экспертизаси ва биологик экспертиза ўтказилди. Мисол учун, Самарқанд вилоят суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасида З.Ҳақимовнинг тирноғи остидан одам қони аралаш тери доғлари топилганлиги, у З.Ҳақимовга тегишли эмаслиги, бу қон ва тери доғлари марҳума Қ.Аҳмедовага тегишли эканлиги асослаб берилган. Шунингдек, мазкур экспертизанинг яна бир хулосасида гумондор О.Ҳайитовнинг қотилликка алоқадорлиги қон ва тери доғларининг мос келиши асосида исботланган.

Тергов ҳаракатлари тугаб, жиноят ишини кўриб чиқиш учун Самарқанд вилоят судига ҳавола этилди. Бироқ ёпиқ суд мажлиси З.Ҳақимов ва О.Ҳайитовларнинг жиноят ишини ҳар жиҳатдан асосланмаган деб топиб, ажрим чикарди. Унда иш Самарқанд вилоят прокурори орқали тегишли тергов органига, кўшимча тергов ўтказиш учун юборилиши кўзда тутилганди. Ҳам яқинидан жудо бўлган, ҳам манфаатлари топалаётган Бегижон Зайниддинов ва яқинлари, шундан кейин ваҳшийликка берилётган юзак баҳо устидан Олий судга муурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Ариза инобатга олинган, иш қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судига юборилди. 2008 йил 28 мартда бўлиб ўтган ёпиқ суд мажлисида тақдим этилган ҳар бир кўрсатма ва хулосалар ўрганиб чиқилди. Ҳар иккала судланувчи ЖКнинг қатор моддалари билан айбли топилди, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бегижон ака Жиззахдан Андижонга қайтиб боргач, эрталаб ўғил-қиз ва набираларини эргаштириб қабристонга чиқди. Дуои фотиҳа ўқишга тутинган оила сардорининг бўғзига нимадир текилиб келганди. Охири тупроққа бoш қўйганча силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди: «Мана, онаси, сени шу қўйга солганларга ҳам Худонинг айтгани бор экан. Рухинг тинч бўлсин...». Шу топда аста томчилаб турган ёмғир бирдан шиддат билан ёға кетди. Афтидан, осмон ҳам йиғлаётгандек эди...

Мансур АЛОВУДДИНОВ, Ўзбекистон ёзувчилар уюмси аъзоси



Илҳом

Савоб изладим

Муҳтожга қарз бериб, Савоб изладим. Бу билан аслида Ҳикмат кўзладим. Бироқ ундиргунча Қарзимни, дўстлар, Ўзимни сан дея, Уни сизладим.

Юракдаги сўз

Фузало дер: — Илм олмоқ мўмин учун фарз. Бунга маъқуллайди Холиқнинг ўзи. Чунки китобларга Битилмиш билсанг, Юракка энг яқин Тангрининг сўзи.

Абдулла УМРЗОҚОВ

Уша куни Саид оиласи, ёр-биродарлари билан таваллуд айёмини нишонлаётган эди. Бир пайт қўл телефони жиринглади. Саид меҳмонларнинг эътиборини тортмаслик учун бошқа хонага ўтди.

— Саид ака, бўлимга оғир беморни олиб келишди, — деди навбатчи ҳамшира ташвишли оҳангда, тезда операция қилиш керак экан.

— Ҳозир етиб бораман, — деди Саид ва секингина турмуш ўртоғи Замирани бир четга имлаб, вазиятни тушунтирди.

— Отаси, ахир меҳмонлар...

— Ўзинг шифокорсан-ку, Замира, — деди Саид хотиржамлик билан. — Тез бормасам бўлмайди, бир аёлнинг ҳаёти хавф остида. Хотиржам бўл, тезда қайтаман.

Операция узоқ давом этди. Шифокор ва ҳамшираларнинг машаққати бесамар кетмади. Онанинг ҳам, гўдакнинг ҳам ҳаёти сақлаб қолинди. Операциядан ҳориб ташқарига чиққан Саидга бир

кампир пешвоз чиқди. — Умрингиздан барака топинг, ўғлим, — деди у мамнунлик билан. — Келинларимнинг барчаси шу даргоҳда фарзандли бўлишган. Бу кичик ке-

Эл дуосини олаётган шифокор

лимиз эди, шўрлик роса қийналди. Сиздан миннатдорман, илоё омон бўлинг, мартабангиз бундан-да зиёда бўлсин.

Саид Муталов бундай дуоларни роппа-роса йигирма йилдан бери эшитади. Пойтахтдаги тиббиёт институтининг даволаш факултетини тамомлагач, Мирзаобод тумани марказий шифохонаси туғруқхонасига ишга юборишди.

Замондошларимиз ҳақида ҳикоялар

У ерда олти йил ишлади ва қўли енгил шифокор сифатида ном қозонди. 1994 йили Гулистон шаҳридаги туғруқхонада ишлай бошлади. Ушбу шифохона шаҳар ва

ларнинг даволаниши учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Ҳар ойда 55-60 нафар аёл даволаниб, дардига шифо топапти. Ҳар куни 8-10 нафар жувон оналик бахтига эришмоқда.

Шифохонада бўлганимизда Саид Муталов етакчилик қилаётган 1-доялик бўлими жамоаси ҳақида илиқ гаплар эшитдик. Шифокор суҳбатимиз сўнггида ўзини ўйлантираётган муаммоларни айтди:

— Аёлларимиз ўртасида камқонлик, бўқоқ хасталиклари кўп учрапти. Бундай хасталиклар туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Ахир, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу боис улар орасида кўпроқ тушунтириш ишларини олиб бормоғимиз керак. Бундай ишларда газеталарнинг ўрни катта.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири



Водий гузали...

Акmal Абдиев фотолавҳаси

Фриқр



Улуғ ҳикмат ниҳон бунда

Миллатнинг камолотини кўрсатувчи «ойнаи жаҳон» унинг маънавиятидир. Ота-боболаримиз моддий етишмовчиликдан кўра маънавий қашоқликдан ор қилганлар, шу боис оилаларида китобхонликни қарор топтирганлар. Маънавий баркамоллик биргина китобхонлик билан белгиланмайди. Маҳмудхўжа Беҳбудий маънан етуқликка даъвогар инсон ўз элини, аждодларини беш қўлда билиши лозим деб ҳисоблайди ҳамда «етти отасини билмаганларни қул — марқудир» дейди.

Бугунги кунда мактабларда ўқитилаётган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» дарсларининг асосини ҳам ёшларни аждодларимиз қолдирган бебаҳо ўғитлар руҳида, жамият тараққиётига ҳисса қўша оладиган фарзандлар қилиб тарбиялаш ташкил этади.

Оилаларимизда ўғилга ота, қиз болага оналарнинг тарбия бериши, миллий-маданий маросимларимиз, ватанимизнинг тарихи, аждодларимиз қолдирган маънавий-маърифий мерос, олаётган билимимиз — барчаси маънавият аталмиш уммонга қуйилувчи ирмоқлардир.

Бобо ва момоларимиз тўй-ҳашам ёки бошқа маросимларда, аънавий таомилларни адо этишимизни қатъий талаб этадилар. Авваллари бунга унча аҳамият бермас эдим. Энди аста-секин била бошлаганим шуки, одамзот асли мана шундай урф-одатлар, миллий аънавлар таъсирида вояга етса, уларга нисбатан қуқур хурмат ҳиссини сезиб улғайса, ватан, она тупроқ аталмиш муқаддас тушунчаларнинг қадрига етадиган баркамол шахс бўлиб етишар экан.

Ж. НИЁЗОВ

Ҳикмат

Ўтган замонда Иброҳим Ҳаққи исмли бир доно киши яшаган. Болалигида уни Исмоил Фақиҳуллоҳ (қ.с.)нинг тарбиясига топширадилар.

Бир куни Иброҳим Ҳаққи ҳазратлари булоқдан сув олиб келиш учун жўнайдди. Сув бўйига бориб, идишларини тўлдирадидилар. Худди шу пайт от минган бир киши келади.

— Қани четга ўт-чи, болакай, — деди ва отини сув томон ҳайдади.

Бола идишини ҳам ололмай четга ўтди. Отлик бўлса парво ҳам қилмай, болани бир бурчакка қисиб қўйди. Идиши эса отнинг оёқлари остида қолиб синди.

Иброҳим кўзида ёш билан устозининг олдида борди.

Унинг ҳолатини кўрган устози сўради:

— Сенга нима бўлди? — Булоқдан сув олаётгандим, бир отлик келиб идишимни синдирди. — У отликка бирор нарса

Бундан жазо чиққан устоз Иброҳимга қаттиқроқ гапирди:

— Тез бориб, ўша отликдан ҳаққингни талаб қил. Бирор фалокат юз бермасидан бор!

Иброҳим нима фалокат юз бериши мумкин деган ўй билан яна булоқнинг бошига борди.

Аммо не кўз билан кўрсинки, отлик шу ўлиб ётарди.

Иброҳим устозининг олдида келди ва кўрганларини шошапиша сўзлади:

— Э, воҳ! — дея бошини ушлаб қолди устози. — Мен сенга нима дегандим. Ана фалокат. — Кейин ўзига ҳайрон боқиб турган барча шоғирдларига юзланиб деди: — Ўша отлик Иброҳимга зулм қилди. Мазлум эса унга бир оғиз бўлса ҳам сўз билан қарши чиқмади. Унинг ишини Худога солди. Аллоҳ эса уни жазолади. Қанийди, Иброҳим унга бирор сўз билан қарши чиқсаиди-да, оралари очик бўлса эди. Энди унинг ҳаққи қиёматга қолди, отлик қиёматга қадар бунинг азоби-ни тартади.

Х. МАҲАМОВА тўплади


Аллоҳ жазолади

дедингми? — Ҳеч нарса деганим йўқ. — Унда тез борда, ўша отликка бир-икки оғиз гап айт. Ҳаққингни талаб қил! — деди устози болага. Иброҳим яна булоқ томон йўл олди. Отлик ҳамон шу ерда эди. Аммо бола оғиз очиб, у кишига бирор нарса дея олмади. Яна орқасига қайтди. — Ҳўш бирор нарса деддингми? — Дея олмадим.

Тўрт гавҳарнинг душмани

Бир улуг киши айтади: «Кишининг қалбида тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани ҳам бўлади. Биринчиси ақл гавҳаридир. Унинг душмани таъзабдир. Иккинчиси илм гавҳари. Унинг душмани тақаббурликдир. Учинчиси қаноат гавҳари. Унинг душмани ҳирсдир. Тўртинчиси сахийлик гавҳари. Унинг душмани таъмадир».

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №... Фамилиянгииз, Исмингииз, Отангизнинг исми, Туғилган йилингииз, Манзилингииз, Иш(ўқиш) жойингииз, Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?



◆ Каратэ

Италиянинг Есоло шаҳрида каратэ бўйича ўсмирлар ва кизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!



Унда дунёнинг беш қитъасидан келган 60 га яқин давлатларнинг ёш каратэ усталари ката ва кумитэ бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди. Айниқса, Испания, Италия, Франция, Россия, Португалия, Украина, Белгия, Германия, Англия, Венгрия, Руминия каби терма жамоалар вакиллари медаллар учун курашда фаоллик кўрсатишди.

Кувонарлиси, Ўзбекистон терма жамоаси ҳам Бутунжаҳон каратэ ташкилотлари уюшмаси (WUKO) ташкил этган ушбу спорт анжуманига бежиз ташриф буюрмаганини исботлади.

Сурхондарё вилоятида камол тошган истеъдодли яккакураш устаси Салоҳиддин Тоғаев кумитэ баҳсларида олтин, ката бўйича эса кумуш медалга сазовор бўлди. Сурхондарёлик яна бир спортчимиз Хумоюн Шукуров ҳам барча рақибларини мағлуб этиб, финалгача етиб келди. Тўмарисмонанд жангчимиз Барно Мирзаева 18 ёшгача бўлган кизлар ўртасида 60 кг.гача вазнда кумуш медал билан тақдирланди.

55 кг.гача вазн тоифасида бронза медалини қўлга киритган қорақалпоқ қизи Замира Алиева дугонаси Барно Мирзаева билан биргаликда кизлар ўртасида жамоа кумитэ бўйича иккинчи ўриндан жой олди.

Абдулазиз Абдуразоқов, Абдумалик Абдуллаев, Самар Ҳамроев каби ҳамюртларимизнинг чиқишлари ҳам чакки бўлмади. Улар чемпионатни ўз тенгқурлари орасида кучли олтиликда яқунлашди.

Биз Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси бош котиби, Марказий Осиё каратэ

федерацияси вице-президенти Дилшод Каримовдан жаҳон чемпионати таассуротлари ҳақида сўрадик.

— Иккинчи бор ташкил этилган жаҳон чемпионатида биз илк бор қатнашдик, — дейди сўхбатдошимиз. — Салоҳиддин Тоғаевнинг галабаси шарафига узоқ Италияда мадҳиямиз янграб, бутун мажмуа оёққа турганида кўзларимиз севинч ёшларига тўлди.

Олдинда яна бир катта спорт мусобақаси кутиб турибди. 13-16 ноябр кунлари Япониянинг Токио шаҳрида катталар ўртасида жаҳон чемпионати ўтади.

Умид Ҳакимов, Рустам Ашуров, Уктам Бойпўлатов, Аббос Қутбиддинов, Ойбек Казаков, Санжар Рўзиев, Ситора Рафиева, Лусия Байбулатова ҳамда Регина Ниёзова жиддий равишда Адҳам Юнусов ва Рустам Казаков мураббийлигида тайёргарликни бошлаб юборишган. Жаҳон каратэ федерацияси (WKF) байроғи остида ўтадиган бу мусобақада медалларга эришиш ҳар бир каратэчи ёки мураббийнинг энг катта орзуси эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

— Италияда, шунингдек, бизнинг Марказий Осиё минтақамиздан Қозоғистон терма жамоаси яхши қатнашди. Айни пайтда бу давлат каратэчилари ҳам Токиода ўтадиган нуфузли мусобақага ҳозирлик кўришяпти, — дея қўшимча қилди Дилшод Каримов.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири



◆ Футбол

Омад сизга, ўзбек ёшлари!

Ёдингизда бўлса, яқинда Тошкентда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати якунига етиб, унда эронлик ўсмирлар қитъа чемпионлигини қўлга киритишганди.

Энди навбат ёшларга. Саудия Арабистонида навбатдаги Осиё чемпионатининг финал босқичида Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги терма жамоамиз иштирок этади. Мусобақага йўл олган термаимиз таркиби қуйидагича:

Дарвозабонлар — Дониёр Усмонов («Нефтчи», Фарғона), Илҳом Жуманов («Кимёгар», Чирчиқ), Суҳроб Султонов (ОТМК Олмалик); **Ҳимоячилар** — Мурод Холмухамедов, («Пахтакор»), Акмал Холмуродов («Пахтакор»), Фулом Урунов («Пахтакор»), Зоҳид Раупов (ОТМК), Дилёрбек Эрматов («Нефтчи»), Шерзод Аъзамов («Машъал»), Сарвар Отабоев («Сокол-Учқудук» Навоий), Ислон Тўхтаўжаев («Нефтчи»); **Ярим ҳимоячилар** — Фозил Мусаев («Насаф»), Суннат Ма-

мадалиев («Насаф»), Ойбек Қиличев («Пахтакор»), Жасур Ҳасанов, («Бухоро»), Зоҳир Пиримов (ОТМК), Шерзодбек Каримов («Қизилқумолтин» Зарафшон), Достон Абдурахмонов (ОТМК); **Ҳужумчилар** — Санъат Шихов («Пахтакор»), Иван Нагаев («Насаф»), Кенжа Тўраев



(«Насаф»), Даврон Мирзаев («Рубин» Қозон), Алишер Азизов («Пахтакор»). Осиё чемпионатининг гуруҳлари:

«А» гуруҳи: Япония, Саудия Арабистони, Эрон, Яман

«В» гуруҳи: Жанубий Корея, Ироқ БАА, Сурия

«С» гуруҳи: КХДР, Хитой, Тожикистон, Ливан

«Д» гуруҳи: Иордания, Австралия, Таиланд, ЎЗБЕКИСТОН.

Терма жамоамизнинг гуруҳ учрашувлари тақвими:

1. Иордания — ЎЗБЕКИСТОН 01.11.2008; (18:15) Шаҳзода Сауд Бин Жалави номидаги стадион.
 2. ЎЗБЕКИСТОН — Австралия 03.11.2008; (18:15) Шаҳзода Сауд Бин Жалави номидаги стадион.
 3. Таиланд — ЎЗБЕКИСТОН 05.11.2008; (20:45) Шаҳзода Сауд Бин Жалави номидаги стадион.
- *Изоҳ: ўйинлар Тошкент вақти билан кўрсатилган.

Маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 28 октябрдан 1 ноябрга қадар Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида бўладиган Т&Т халқаро ўртоқлик турнирида қатнашиши белгиланганди. Бироқ жамоамиз ушбу турнирда иштирок этмайдиган бўлди. Бунга Вьетнам футбол

Режа ўзгарди

федерацияси бош котиби Тран Куок Туан қуйидагича муносабат билдирди: — Ўзбекистон терма жамоаси бизга 25 ўйинчидан иборат рўйхатни юборганди. Бироқ мусобақа яқинлашганда Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Сардор Раҳматуллаев уэр сўраган ҳолда Ўзбекистон терма жамоаси мусобақада қатнашмаслигини факс орқали маълум қилди. Қисқа вақт ичида биз мусобақага Ўзбекистон ўрнига бошқа терма жамоани топа олмаимиз. Шунинг учун турнир уч терма — Вьетнам, Таиланд ва Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида ўтади. Унда голиб чиққан терма жамоа 40.000 АҚШ долларига эга чиқса, иккинчи ва учинчи жамоаларга мос равишда 20.000 ва 10.000 доллардан насиб қилади.

Жепаров — тўпурар



Ўзбекистон миллий чемпионатининг 25-тур учрашувларида пешқадамлар навбатдаги очколарини қўлга киритишди. «Бунёдкор» клуби Самарқандда маҳаллий «Динамо»ни 4:0 ҳисобида, «Пахтакор» эса ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» жамоасини 3:1 кўринишида мағлуб этди. «Қалдирғочлар»нинг тўртта голидан учтаси Ўзбекистон миллий терма жамоаси етакчиси Сервер Жепаров ҳисобига ёзилди. Яна бир тўп бразилиялик Ривалдога тегишлидир. Жепаров чемпионат тўпурарлари баҳсида ҳам 18 та голи билан биринчи ўринда бормоқда.

ЎзДонЖУ — ЛОКОМОТИВ — 0:3, НЕФТЧИ — ШҮРТАН — 2:0, СЎҒДИЁНА — МЕТАЛЛУРГ — 1:2, НАСАФ — НАВБАҲОР — 2:1, БУХОРО — АНДИЖОН — 1:2, ОТМК — ҚИЗИЛҚУМ — 2:0

Турнир жадвали:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Бунёдкор	25	22	3	0	66-9	69
2. Пахтакор	25	19	5	1	55-12	62
3. Нефтчи	25	15	5	5	33-17	50
4. Андижон	25	12	5	8	34-25	41
5. Машъал	25	11	6	8	28-22	39
6. Динамо	25	10	5	10	30-31	35
7. Насаф	25	9	5	11	23-26	32
8. Металлург	25	9	5	11	23-31	32
9. ОТМК	25	8	6	11	26-29	30
10. Локомотив	25	8	4	13	30-34	28
11. Навбаҳор	25	7	7	11	25-35	28
12. Шўртан	25	8	4	13	18-38	28
13. Қизилқум	25	8	3	14	23-38	27
14. Сўғдиёна	25	7	6	12	27-32	27
15. Бухоро	25	6	4	15	23-37	22
16. ЎзДонЖу	25	2	5	18	12-52	11

Қўлда қалам, оёғида тўп

Тошкентдаги «Чигатоё» футбол марказида мини-футбол бўйича оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболлари» газеталари соврини учун спорт фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган анъанавий тўртинчи турнир голиблари номи маълум бўлди.

20 жамоа дастлаб гуруҳларда чорак финал йўлланмалари учун баҳс олиб боришди. Чорак финалда ЎзДЖТУ ТТВни 3:1, «Ўзбекистон футболлари» «Хонадон»ни 6:4, «Ўзбекистон овози» МТРКни 1:0, Спорт ТВ эса «Халқ сўзи»ни мағлуб этди.

Ярим финал: ЎзДЖТУ — «Ўзбекистон футболлари» — 5:3, «Ўзбекистон овози» — Спорт ТВ — 4:3.

3-ўрин учун: «Ўзбекистон футболлари» — Спорт ТВ — 4:3.

Финал: «Ўзбекистон овози» — ЎзДЖТУ — 4:2.


Мусобақа нуфузи йилдан йилга кўтарилиб бораётгани қайд этилган натижаларда ҳам кўриниб турибди. Масалан, ҳар йили камида ярим финалга чиққан, йўқса голибликни ёхуд совринли ўринларни қўлга киритган МТРК ва «Маърифат» футболчиларининг аро йўлда қолиб кетганига нима дейсиз?

Журналистлар турнири фи-



налига Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети устозлар жамоаси ва «Ўзбекистон овози» газетаси ходимлари чиққан футбол миллионлар ўйини эканига яна бир ишора бўлди. Ижодкорлар соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи бу турнирда ўзига хос ибрат кўрсатдилар.

Голиб ва совриндорлар ҳамда жамоа ва футболчилар турли номинациялар бўйича турнир ташкилотчилари томонидан муносиб тақдирланишди.



Эски важ билан янги жиноят содир этилди

26 октябр куни АҚШнинг десантчилар отряди тўртта ҳарбий вертолётда Суриянинг Ироқ билан чегарадош ҳудудидаги Суққария қишлоғида «Ал-Қоида» террорчилик ташкilotи билан алоқадор Абу Гадия исмли кишини йўқ қилиш бўйича махсус операция ўтказган эди. Сурия томонининг маълумот беришича, бунинг натижасида саккиз нафар тинч аҳоли, жумладан бир аёл ва икки бола ҳалок бўлган. Америкаликлар эса қурбонлар орасида аёл киши ҳам, бо-

лалар ҳам йўқлигини таъкидлапти. Сешанба куни Сурия АҚШ унинг ҳудудида ҳарбий операция ўтказганига жавобан БМТга норозилик мактубини йўллади. БМТ бош қотиби Пан Ги Мун ва Хавфсизлик кенгашига раислик қилувчи Хитой хатнинг нусхаларини олишган. Пан Ги Мун хат ўрганиб чиқилиши, унинг нусхаси эса Хавфсизлик кенгашининг барча аъзоларига жўнатилишини маълум қилди.

«Boeing» касаба уюшмалари билан келишувга эришди

АҚШнинг Канзас, Вашингтон ва Орегон штатларидаги «Boeing» авиакомпаниясининг 27 минг ходими 6 сентябр куни иш ташлаган эди. Ниҳоят авиакомпания ва касаба уюшмалари иш ташлашни тўхтатиш ҳақидаги дастлабки келишувга эришдилар. Беш кун мобайнида Аэрокосмик соҳа ишчилари ва механикларни халқаро ассоциацияси аъзолари мазкур битимни овоз бериш йўли билан тасдиқлашлари керак.

Ходимларнинг иш ўринларининг қисқариши борасидаги хавотирини камайтиришга қаратилган битим тўрт йилга мўлжалланган. Унга кўра шу давр мобайнида уларнинг маоши 15 фоиз оширилади. Соғлиқни сақлаш бўйича тўловлар миқдори 2005 йил даражасида сақланиб қолади. Уч йил давомида ҳар бир ходимга тўланадиган бонус миқдори 8 минг долларни ташкил этади.

Қурбонлар сони ошиши мумкин...

Кеча тонгда Покистоннинг ғарбида 6,2 балли зилзила содир бўлди. Оқибатда, 160 киши ҳалок бўлди, 40 га яқин киши жароҳатланди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари гапларига кўра Белужистон вилоятининг иккита аҳоли пунктидаги вайроналар остидан 25 кишининг жасади чиқариб олинган. Зилзила юз берган барча ҳудудлардан жабрдийдалар ҳақида хабар олинмагани ҳисобга олинса, ҳали қурбонлар сони ошиши мумкин. Зилзила маркази Кветта шаҳридан 70 км шимоли-шарқда — Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳридан 185 км жануби-шарқда жойлашган.



Иш излаб хорижга...

Латвия қурувчилари кўчмас мулк инқирози шароитида хориж, биринчи навбатда собиқ иттифоқчи республикалар бозорига чиқишни мўлжаллашапти. Уртада тил билмаслик муаммосининг йўқлиги муҳим аҳамиятга эга. Гап шундаки, Латвия қурилиш бозори мамлакатдаги барча компанияларни иш билан таъминлашга қодир эмас. 2005 йили Корхоналар регистрида қурилиш соҳаси билан боғлиқ 3100 та фирма қайд қилинган, 2008 йилнинг бошида уларнинг сони 6400 га етган. Ҳозирги пайтда эса 1000 дан зиёд корхона ёпилган.

Янги фармон зарурияти

Украина Марказий сайлов комиссияси раиси Владимир Шаповал мамлакат президенти Виктор Юшенко Верховний Радага муддатидан олдин сайлов ўтказиш тўғрисида яна бир фармон чиқариши зарурлиги ҳақида баёнот берди. Шаповалнинг гапига қараганда МСК 9 октябрдаги фармонга амал қиладиган бўлса бир қатор ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий характердаги қийинчиликларга дуч келар экан. Шулардан бири МСКнинг вақт камлиги туфайли сайлов бюллетенларини химояланганлик даражаси пастроқ қоғозда чоп

этишга мажбур бўлишидир. Конституцияга кўра парламент тарқатиб юборилгач, 60 кун ичида сайлов бўлиб ўтиши керак. Юшонконинг фармонида 7 декабр белгиланган эди, аммо кейин Юлия Тимошенко бошчилигидаги ҳукумат сайлов учун пул ажратишни рад этгач, бу сана 14 декабрга кўчирилган. Президент эса янги фармон чиқариб парламентни тарқатиб юбориш ҳақидаги фармонининг амал қилишини тўхтатиб туришга мажбур бўлган эди. Энг қизиги, унда сайлов ўтказиш санаси аниқ кўрсатилмаган.

Атиги 87 дақиқада...

Сешанба куни Италиянинг Турин шаҳрида гаройиб ўғирлик содир этилди. Бир киши бешта банкни 87 дақиқада тунаб кетди. У банк ходимларига пичоқ билан таҳдид қилиб, жами 2100 еврони қўлга киритди.


Босқинчи яширинишга улгурган бўлса-да, полиция банкдаги кузатув камералари орқали унинг изига тушиб, шу куни кечкурун қўлга олган.



Қисқа сатрларда



Россиянинг Тожикистондаги «Айний» ҳарбий аэродромидан фойдаланиши ҳақидаги музокара тўхтаб қолди. Томонлар объектни реконструкция қилиш ва ундан фойдаланилганлиги учун ижара ҳақи тўлаш масаласида келиша олишмади. Тожикистон томони айнан шу шартларни олға суришяпти, аммо бу рўсларга маъқул эмас.



Буюкбританиянинг 2008 йил июн ойида поездда ўта махфий ҳужжатлар солинган папкани унутиб қолдирган юқори мартабали амалдорига 2500 фунт-стерлинг миқдоридан жарима солинди. Бу ҳақда сешанба куни Вестминстер магистрат судининг қарори чиқарилди.



Ўриндошлик асосида Интерпол агенти вазифасида ишлаган АҚШнинг Мексикадаги элчихонаси ходими ушбу мамлакатдаги энг йирик ва қудратли Белтран-Лейва наркокартелига махфий маълумотларни етказиб турганини тан олди. У билан бирга Мексика прокуратурасининг беш ходими ҳам ҳибсга олинган. Америка элчихонасининг расмий вакиллари ушбу ҳодисага изоҳ беришдан бош тортишяпти.



Грузия президенти Михаил Саакашвили мамлакат бош вазири Владимир Гургенидзе истеъфога чиққанини маълум қилди. Собиқ бош вазир энди Грузиядаги молиявий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи комиссияга раҳбарлик қилади.

Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади



СИЗДАН...
ИЗОHI



Қайиғимнинг мотори,
Бирдан ишламай қолди.
Мушуквой яхтасида
Мени шатакка олди.

«Том» ичганов, менимча,
Ортдан қайиғин солди.
«Ферри»га ўхшатдиёв,
Қайиққа боғлаб олди.

Денгизда пойга бўляпти,
Орта қолди балиқ зоти.
Мени тортиб кетаяпти,
Биттагина денгиз оти.


Азизбек НОРОВ,
Қарши шаҳри

Сувдаги пойгадан мен,
Завку шавққа тўламан.
Яна бир оз чидасам,
Гар чемпион бўламан.

Ёшим ўтиб қолса ҳам,
Қизиқшидан қолмадим.
Қани энди сувда ҳам,
Синаб кўрай омадим.

Сувми ё қуруқликми?
Энди менга барибир.
Овқатимни меҳнат-ла,
Тоғиб ейман-ку, ахир.

Асадулло
МИРЗААКБАРОВ,
«Хамкорбанк» ОАТБ
бирлашган
касаба уюшмалари
кўмитасининг раиси



Рукнимизнинг октябр ойи
ғолиби деб қаршилиқ
Азизбек Норов топилди.
Энди навбатдаги суратга
изоҳ топинг-чи?

«Обуна-2009»

Корхона ва ташкилотларда, ўқув ва тиббиёт муассасаларида бўлганимизда, кўпчилик «Ishonch» газетаси мухлиси эканлигини мамнуният билан қайд қилади. Улар бу йил ҳам сеvimли газетасига биринчилардан бўлиб обуна бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

«Ishonch»нинг мухлислари Хоразмда ҳам кўпчилиликни ташкил қилади

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Хива туман бирлашган кўмитаси ўтган йили вилоятда энг кўп обуна уюштирилганлиги учун вилоят кенгашининг мукофотига сазовор бўлган эди.

— Мен газетанинг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Ҳамкасбларимиз фаолиятдан берилаётган ибратли мақолалар орқали тажрибамни бойитаман. Турли мавзулардаги мушоҳадага қорловчи лавҳа ва ҳикоялардан ҳам ибрат оламан. Улар бўш вақтимни мазмунли ўтказишга ёрдам беради, уюшма аъзоларимизнинг ҳам фикри шундай, — дейди бирлашган кўмита раиси Моможон Юсупова. — Ишонсангиз, кўпчилик ўқитувчилар июл, август ойларидаёқ қачон «Ishonch»га обуна бошланади, дея мени саволга тутишга киришганди. Соҳа ходимлари орасида газета мухлислари кўплиги

туфайли ҳозиргача «Ishonch»га 43 та, «Ishonch»-«Доверие»га 8 та йиллик обуна уюштиришга муваффақ бўлдик. Обуна давом этаяпти.

Хонқалик ўқитувчилар орасида ҳам «Ishonch» мухлислари бир талай. Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси туман бирлашган кўмитаси шу пайтгача «Ishonch»га 34 та, «Ishonch»-«Доверие»га 16 та йиллик обуна уюштиришга муваффақ бўлди.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси МК Хоразм вилоят вакилчилиги томонидан ушбу газеталарга обуна уюшқоқлик билан давом этмоқда. Соҳа ходимлари айни кунгача «Ishonch» газетасига 26 та, «Ishonch»-«Доверие»га 25 та йиллик обуна уюштирилди. Бунда «Урганчтрансгаз» ва «Жанубгазқурилиш» корхоналари вакиллари жонбозлик кўрсатмоқда.

М. ТЎРАБОЕВА

«ISHONCH» — сизнинг дўстингиз

Агар мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машҳурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервьюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...



...«ISHONCH» билан дўстлашинг!

Мабодо уни газета пештахталаридан топа олмасангиз...

...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!

Шунда у кунора эшигингизни ўзи тақиллатиб боради.

«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолади!



(3-9 ноябр)

КУИ
Ҳафта омадли келади. Душанба ва сешанба кунлари муҳим ўрашувлар кутилимоқда. Чоршанба кунини маъмурият ишлари билан шуғулланиб, режаларингизни аниқлаб олинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида айрим лойиҳалар юзасидан бўладиган алоқаларни тўхлатиб туришга тўғри келади. Сабоби ҳафта охирида янги режалар пайдо бўлади.

БУЗОК
Биринчи уч кунликда ушбу бурж вакилчилиги шахсий ва шерикчилик муносабатларида дўстларнинг кўмаги зарур бўлади. Бизнесменлар учун алоқаларни мустаҳкамлаб олишга яқингина имконият бор. Пайшанба харид учун қулай кун. Дам олиш кунлари эса дўстларнинг марҳамати билан сизда янги хабарлар ва ғоялар пайдо бўлади.

ЭГИЗАКЛАР
Сиз учун ушбу ойдаги энг муҳим ҳафтадир. Шу чоққа орта суриб келган барча режаларингизни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Душанба иқтидорингизни намоён этиш учун қулай. Чоршанбада айрим ўзгаришлар рўй беради. Сафарга отланишингиз, иш юзасидан кутилимаган хабар олишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАКА
Ҳафта тинч ва осуда ўтади. Жума кунини аввалги ишингиз учун эшигинга ҳақ оласиз. Пайшанбада соғлигингизга эътибор беринг. Харажат ва мулоқотларда эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказинг. Қайфиятингиз сабаби янги режалар пайдо бўлса, ажабмас.

АРСЛОН
Бу ҳафтада шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ барча муаммолар орта чегара бошлайди. Ҳафта давомида жиддий ишга қўл урмай, янги кун тўғиб олишингиз керак. Душанба кунини ёқимли хабар эшитасиз. Узингизни бироз ҳорғин ҳис этишингиз мумкин, тушқуликка тушманг. Дам олиш кунлари ақлий ва жисмоний меҳнатдан бироз тин олинг.

ПАРИЗОД
Ушбу ҳафтанинг энг муҳим воқеаси сешанба ва чоршанба кунлари рўй беради. Драмий ҳамкорларингизни алмаштиришингиз ёки янги дўстлар орттиришингиз мумкин. Шахсий ҳаётингизда айрим масалаларни қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади. Дўстлар ва яқинларингиз маслаҳатига қулоқ тулинг.

ТАРОЗИ
Ҳамкасбларингиз билан илиқ муносабатларни тиклаш имконияти туғилади. Соғлигингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этинг. Душанба ва сешанба омадли кун. Чоршанба ва пайшанба кунлари янги шароитга мослашишингизга тўғри келади. Ишингизда ўзгаришлар кутилимоқда.

ЧАЕН
Бу ҳафтада икки ҳисса кўпроқ ишлашингизга тўғри келади. Аввал ечилмаган муаммоларни ҳал этишингиз лозим. Айрим «чаёнлар» ўзини давом эттиришса, бошқалари хизмат сафарларига чиқашди. Ҳатто иш жойини алмаштиришга ҳам қарор қилишлари мумкин. Ҳафта ташвишлардан холи бўлиб, сабабга чиқиб, яқинлар даврасида бўлиш учун қулай.

УКОТАР
Душанба ва сешанба кунлари сизга алоқадор ўта муҳим масала ҳал этилиши кутилимоқда. Ишдаги асосий жараёнлар сизнинг назоратингизда бўлади. Афсуски, ҳафтанинг иккинчи ярмида режаларингизни ўзгартиришингизга тўғри келади. Бирок дам олиш кунлари сизга кутилимаган совғаларни ваъда бермоқда.

ТОҒ ЭҶКНСИ
Бу ҳафта юлдузлар сиз томонда. Сермашақат меҳнатингиз муносиб баҳрсини олади. Иқтисодий аҳолинингизни ўнлаб оласиз. Ҳафта ўрғасида муваффақиятлардан баҳра олиб, кейинги сарф-харажатларни режалаштириб олишингиз мумкин. Пайшанба кунини эҳтиёткорликни унутманг. Дам олиш кунлари ҳардиқ чикарганингиз маълум.

КОВГА
Сиз учун муҳим янгилик ҳафта охирида бўлиши кутилимоқда. Унга тугалланмаган ишларингизни бемалол охирига етказиб олишингиз мумкин. Чоршанба ва пайшанба кунлари жиддий келишувларга қўл урмонг, жума кунини натижасини кўрасиз. Дўст-дўшманни ажратиб олиш пайти келди. Соғлигингизга эътиборингиз бўлинг.

БАЛИК
Ҳаётингизда жиддий бурилишлар содир бўлиши кутилимоқда. Касбингизни ўзгартириш, чет тилларда сабоқ олиш истағи туғилиб қолиши мумкин. Уй ва шахсий ҳужжатларингизга эҳтиёт бўлинг. Омадли кун чоршанба ва пайшанба. Ушбу ҳафтада катта харидлар қилишга уринманг.

Ishonch	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдиев Мусаҳҳих - Н.Маҳамов
	Тахрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулува Нафасова, Пиримқул Кодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқланиши мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ. Абдужалилов
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси				Буюртма Г-914 Тиражи: 10671	
				Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 20.10	
				Сотуvida эркин нархда	2 5 6